# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2011-yil 6-oktabr, №40 (769)


Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 27 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг вазифалари**

Ушбу Қонуннинг вазифалари жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни ва ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни қамоқда сақлаш тартиби ҳамда шарт-шароитларини, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини белгилашдан иборат.

**2-модда. Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ушлаб турилган** — жиноят содир этганликда гумон қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ушлаб турилган шахс;

**қамоққа олинган** — Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг нормаларига мувофиқ ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи;

**қамоқда сақлаш** — жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни ёхуд ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни қамоқда сақлаш.

**4-модда. Қамоқда сақлашнинг асосий принциплари**

Қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муҳофаза қилиш, айбсизлик презумпцияси қамоқда сақлашнинг асосий принципларидир.

**5-модда. Қамоқда сақлаш асослари**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 225-моддасида назарда тутилган тартибда тузилган ушлаб туриш баённомаси ушлаб турилганларни қамоқда сақлашга асос бўлади.

Суднинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда чиқарган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарори қамоққа олинганларни қамоқда сақлашга асос бўлади.

**6-модда. Қамоқда сақлаш муддатлари**

Қамоқда сақлаш муддатлари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланади.

**7-модда. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқий ҳолати**

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар уларнинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар қонунда назарда тутилган чеклашлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган ҳуқуқларга, эркинликларга эга бўлади ва мажбуриятларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушлаб турилган ва қамоққа олинган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда ҳуқуқлардан, эркинликлардан фойдаланади ҳамда мажбуриятларни бажаради, Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига кўра камситишга йўл қўйилмайди.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга нисбатан қийноқлар ҳамда бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи тазйиқлар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

/Давоми 5-бетда/



Юртимизда куз

## Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

*Инсон ҳуқуқлари олий қадрият саналади. Шу боисдан мустақилликнинг илк йилларидаёқ инсон, унинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунларимизда мустаҳкамланди.*


Баргида **МЎМИНЖОНОВА**,
«Huquq»


Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан "Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ бўлган мурожаатларни кўриб чиқишнинг хусусиятлари" мавзусида семинар ўтказилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг масъул ходимлари, Олий ўқув курслари, ТДЮИ профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тизимига ишга қабул қилинган ёш мутахассислар иштирок этишди.

Семинар давомида иштирокчиларнинг "Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқларини таъминлашда давлат органларининг вазифалари: миллий ва хорижий тажриба", "Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан прокурор назоратини ташкил этиш масалалари", "Жиноят жабрланувчиларининг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари" каби мавзуларга оид маърузалари тингланди.

Маърузаларда мамлакатимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш борасида қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Шу билан бирга, семинар иштирокчилари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ бўлган мурожаатларни кўриб чиқишда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликнинг долзарб масалаларига тўхталиб ўтдилар. Муаммоли масалаларни ҳал қилиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 27 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **38-модда 4-бандининг ўзбекча матнидаги** «изоляторлари» деган сўз «ҳибсхоналари» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **97-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қамоқда сақлаш жойларида, реабилитация марказларида, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар сўроқ қилиш учун мазкур жойлар ва муассасаларнинг маъмурияти орқали чақиртирилади»;

3) **216**, **229**, **231**, **232**, **233-моддалар** чиқариб ташлансин;

/Давоми 9-бетда/


**Обуна – 2012**

**Ҳурматли юртдошлар!**

*2012 йилда ҳам "**HUQUQ**" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.*



ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!

НАШР ИНДЕКСИ — 231

# Текин тешиб чиқади

*Халқимизнинг ҳалолликка, тўғриликка ундовчи мақоллари, ҳикматли сўзлари кўп. Уларнинг мазмун-моҳиятида бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, ҳалол меҳнат эвазига ҳаёт кечириш, қонунга зид иш тутмаслик каби эзгу чақириқлар ётади. Аммо айрим юртдошларимиз бунинг аксини қилишади-ю, оқибатда пушаймонлик гирдобида қолишади. Буни фуқаро А.Аҳмеджонова, Ҳ.Расулова ва F.Расуловлар содир этган қилмишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.*

**Сайёра МАДИЯРОВА,**
Мирзо Улуғбек туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли 382-сонли мактабгача таълим муассасасида ўтказилган текшириш давомида бир қанча ноқонуний ҳолатлар аниқланган. Маълум бўлишича, 382-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси бўлиб ишлаган А.Аҳмеджонова мазкур муассаса учун бир қанча яхши ишлар қилиш баробарида анча-мунча ноқонуний ишларни ҳам амалга оширишга улгурган экан.

Жумладан, А.Аҳмеджонова ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб, қариндоши, мазкур муассасада тарбиячи лавозимида ишлаган Ҳ.Расулова билан жиноий тил бириктирган ҳолда Ҳ.Расулова ишдан бўшаб кетган бўлишига қарамай, тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмаган ва 2005 йилнинг ноябридан 2010 йилнинг сентябригача қадар унга тариф ставкаси бўйича маош тўлаб келган. Ҳужжатларни сохталаштириш, тўлов қайдномаларига сохта имзолар қўйиш орқали А.Аҳмеджонова ва Ҳ.Расулова давлат бюджетидан 3 млн. 600 минг 678 сўм пулни ўзлаштириб юборишган.

Аммо улар бу билан ҳам кифояланишмаган. Ҳ.Расулованинг укаси F.Расулов ҳам бундай "мўмай" пулдан четда қолмаган. А.Аҳмеджонова давлат маблағларини ўзлаштириш мақсадида F.Расулов билан жиноий тил бириктириб, уни гўё муассасага кўча супурувчи лавозимига "ишга олган" ва бу вазифани бир кун ҳам бажармаган F.Расуловга ойлик маош ажратилаверган. Шу тариқа давлат бюджетидан 2003 йилнинг март ойидан 2010 йилнинг сентябрь ойига қадар бўлган даврда 4 млн. 378 минг сўм маблағ ўзлаштириб юборилган. Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг ҳукми билан А.Аҳмеджонова, Ҳ.Расулова ва F.Расуловларнинг ҳар бири қилмишига яраша жазоларини олишди. Улар энди "текин тешиб чиқади", деган гап нечоғли тўғри эканига ишонч ҳосил қилишган бўлса ажаб эмас.

# Тамагир жазосини олди

*Юртимизда йил бошидан буён тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолият кўрсатишлари учун барча имконият ва шароитлар яратиб келинмоқда. Лекин айрим мутасадди идора ходимлари орасида тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш ўрнига, уларнинг йўлига ғов бўлиб, ўз нафсини ўйлаб, тамагирлик қилаётганлари ҳам учраб туриши ачинарли ҳолдир.*

**Муҳаммаджон РЎЗМАТОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Андижон вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

Бундай салбий ҳолатларга қарши курашиш борасида Департаментнинг Андижон шаҳар бўлими ходимлари томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, бўлимга Андижон шаҳрида яшовчи фуқаро Д.Ниязов ариза билан мурожаат қилиб, Андижон шаҳар, Мирпўстин кўчаси, 3-уй 2-хонадонда тадбиркорлик фаолиятининг қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тури билан шуғулланиш мақсадида цех ташкил қилиб, электр энергиясига уланиб фаолият бошламоқчи бўлган вақтда, Андижон Янги шаҳар электр тармоқлари корхонаси етакчи муҳандиси А.Зокиров ва бошқа ходимлар рухсатномасиз электр энергиясига уланганлиги учун 12 млн. сўм жарима тўлаш ҳақида далолатнома тузиб, ушбу жаримани тўламаслик ва унга нисбатан расмийлаштирилган далолатномани йўқ қилиш учун 200 АҚШ доллари беришни талаб қилишаётганлигини билдирган.

Мазкур аризага асосан бошқарма ва Андижон шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида Андижон Янги шаҳар электр тармоқлари корхонаси етакчи муҳандиси А.Зокиров фуқаро Д.Ниязовдан унга нисбатан тузилган далолатномани йўқ қилиб юбориш ва жарима тўламаслиги эвазига 100 АҚШ доллари ва 237 минг сўм пулларни тамагирлик йўли билан пора тариқасида олган вақтда ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Департаментнинг Андижон вилояти Андижон шаҳар бўлими томонидан А.Зокиров ва бошқаларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари якунланиб, суд муҳокамасига юборилди.

Яқинда ушбу жиноят иши суд муҳокамасида кўриб чиқилди. А.Зокиров ЖКнинг бир нечта моддалари билан айбли деб топилиб, озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинди. Шунингдек, мазкур жиноят иши бўйича Андижон Янги шаҳар электр тармоқлари корхонасининг яна бир нечта масъул ходимлари ҳам тегишли жазоларини олишди.

# Арокфуруш

**Олим ҲИКМАТОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Бухоро шаҳар бўлими бошлиғи

*Тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш бозор расталарини харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш, хусусий сектор вакиллари фаолиятини эркинлаштириш биринчи навбатда аҳолининг фаровон турмуш тарзини таъминлайди. Бунинг учун кучли ҳуқуқий ҳимоя механизми яратилган, тадбиркорлар учун имкониятлар эшиги очиқ. Бироқ ўзини тадбиркор, ишбилармон деб ҳисоблайдиган айрим кимсалар қонунга чап бериб, яширин даромад топишга уринишаётгани сир эмас.*

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги "Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилинишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Департаментнинг Бухоро шаҳар ва Ғиждувон туман бўлимлари ходимлари томонидан ўтказилган тадбирларда ана шундай "тадбиркорлар"нинг қилмишлари фош этилди.

Ғиждувон туманидаги "Файз-барокат" деҳқон бозори масъулияти чекланган жамияти рўпарасида жойлашган автомобилларни қўйиш жойида ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Шавкиддин Бакаев қонунга хилоф равишда кўлбола усулда тайёрланган, қалбаки акциз маркалари ёпиштирилган 30 дона "Шоҳруд", 15 дона "Медовая", 15 дона "Қаратау", 15 дона "Столичная" ва "Белая русь" ароқларини фуқаро Олим Бобомуродовга жами 150 минг сўмга сотаётган вақтида ушланди.

Ш.Бакаев яшаб турган уй кўздан кечирилганда 480 дона кўлбола ароқ маҳсулотлари, шунингдек, 100 литр ҳажмли пластмасса идишда этил спирти, 300 дона ароқ қопқоқлари ва целлофан ўрамлари топилди. Ш.Бакаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ҳар қандай фаолиятнинг мезони ҳалоллик бўлса, у иш фойда ҳам келтиради. Аммо, кимнидир алдаб бой бўлмоқчи бўлганлар панд еб қолишлари аниқ.

*Халқ мақолларида ҳикмат кўп. "Ҳисобли дўст айрилмас" мақоли ҳам айнан ҳаёт ҳақиқатини ифодалайди. Аммо афсуски, ҳамма ҳам уларнинг мазмун-моҳиятини теран англайвермайди ёки халқ ҳикматларига бепарволик билан муносабатда бўлади. Оқибатида эса ҳар томонлама зарар кўрганлигини сезмай қолади.*

# Ҳисобли дўст айрилмас

**Фахриддин ЖАББОРОВ,**
Хонқа туман прокуратураси терговчиси лавозимида иш ўрганувчи

Қаҳрамон Қурбонов 2008 йил 1 августдан 2011 йил 1 июнга қадар Хонқа электр тармоқлари бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатди. Электр тармоқларига раҳбарлик қилишнинг масъулияти ўзгача. Таъминотнинг узлуксизлигига эришиш, ўз вақтида истеъмолчилардан ҳақларни ундириб олиш, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишларига йўл қўймаслик чораларини кўриш раҳбардан жиддий эътибор, масъулият талаб қилади. Афсуски, Қаҳрамон Қурбоновда ушбу фазилатлар камлик қилди. Мансабга совуққонлик, ўз хизмат вазифасига лоқайдлик билан қараб, уларни лозим даражада бажармасдан электр таъминотида талон-торожга, давлат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 511-сонли Қарорининг 3-бандида "Электр таъминоти шартномаларини тузмаган ва шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажми қийматининг камида 30 фоизи миқдоридаги ҳақни олдиндан тўламаган юридик шахсларга электр энергияси бериш тўхтатиб қўйилсин", деб кўрсатилган. Электр тармоқлари раҳбарлари ушбу талабларга негадир эътибор қилмади. Собиқ ҳисобчи Х.Сатторов ва ҳисобчи А.Жабборовлар билан тил бириктирган ҳолда қарор талабларининг бузилишига йўл қўйди. Оқибатда электр ҳажми қийматининг камида 30 фоизини олдиндан тўламаган корхона ва ташкилотларга жами 2991 ҳолатда 759289,3 минг сўмлик электр энергияси етказилиб берилишига йўл қўйиб, давлат ва жамият манфаатларига жиддий зиён етказган.

2009-2010 йиллар давомида назоратчилар томонидан электр энергиясидан ноқонуний фойдаланган 1221 нафар абонент аниқланиб, расмийлаштирилган далолатномалар бўйича аҳоли абонентларидан туман электр тармоқларига 118784,3 минг сўм зарар етказилган, деб топилган. Қаҳрамон Қурбоновнинг бепарволиги туфайли ушбу зарарнинг бор-йўғи 35211,8 минг сўми ундирилган. Қолган 835669,5 минг сўмни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига аризалари берилмаган.

Юқорида тилга олинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорида "юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзлар "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси бўлимлари томонидан ҳар ойда тақдим этиладиган тўлов талабномалари тўғрисидаги реестрлар бўйича юридик шахс рўйхатидан ўтказилган жойдаги Давлат солиқ хизмати органлари томонидан сўзсиз тартибда ундириб олинади", дея қайд қилинган. Туманда 2010 йил 1 январь ҳолатига электр энергия истеъмолидан 132 ташкилот ва корхонанинг 140298,7 минг сўмлик муддати ўтган дебиторлик қарзи бўлишига қарамасдан, тармоқ раҳбарининг айби билан қарзни ундириш учун тегишли тартибда реестрларга киритилмаган ва у туман ДСИга тақдим қилинмаган. Бу ҳам ўз навбатида давлат ва жамият манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлган. Раҳбарнинг бепарволиги туфайли бундай қарздорлик миқдори ортиб, 2011 йил 1 январь ҳолатига 158 149 минг сўмни ташкил қилган. Шундай бўлса-да, уларни ундиришнинг қонуний чоралари қўлланилмаган.

2011йил 1 март ҳолатига эса электр энергияси етказиб берилган 217 та корхона ва ташкилотнинг муддати ўтган дебиторлик қарзлари 238211,7 минг сўмга етган.

Тергов ҳужжатларида Қаҳрамон Қурбонов томонидан йўл қўйилган шу каби қонунбузарликлардан бир нечаси санаб ўтилган. Дейлик, тумандаги "Мадир-ёп" СИУга 2009 йилда электр энергияси етказиб бериш далолатномаси билан электр энергия етказиб бериш тўхтатилган бўлишига қарамасдан, амалда 279348,7 минг сўмлик электр энергияси қонунга хилоф равишда етказиб берилган. Устигаустак ушбу ташкилот 2009 йилда 199842,2 минг сўмлик электр энергияси истеъмол қилган дея ҳисоботни сохталаштирган.

Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Лоқайдлик, бепарволик билан, ҳисоб-китобларни ўз вақтида олиб бормаган, маълумотларни нотўғри тақдим қилган Хонқа туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари Қаҳрамон Қурбонов ҳамда ҳисобчи Анвар Жабборовлар қонун талаблари асосида жазога тортилдилар. Зеро, давлат ва жамиятда, табиатда ҳеч нарса ҳисоб-китобсиз эмас. Буни барчамиз ёдда тутишимиз даркор.

/Давоми. Бошланиши 1-бетларда/

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида

## 2-боб. Қамоқда сақлаш жойлари

### 8-модда. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш жойлари

Ушлаб турилганлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида (бундан буён матнда вақтинча сақлаш ҳибсхоналари деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органларининг тергов ҳибсхоналарида, ушлаб турилган ҳарбий хизматчилар эса Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ҳамда қўшин гауптвахталарида (бундан буён матнда гауптвахталар деб юритилади) сақланади.

Ушлаб турилганларни айрим жойларда истисно тарзида ушбу мақсадлар учун махсус мослаштирилган биноларда, денгиз ва дарё кемаларида эса махсус ажратилган каюталарда сақлашга йўл қўйилади.

Ушлаб турилганлар қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда жазони ижро этиш муассасаларида сақланиши мумкин.

Қамоққа олинганлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органларининг тергов ҳибсхоналарида (бундан буён матнда тергов ҳибсхоналари деб юритилади) сақланади.

Қамоққа олинганлар қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида, қамоққа олинган ҳарбий хизматчилар эса гауптвахталарда сақланиши мумкин.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларида вақтинча сақланиши мумкин.

### 9-модда. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналари

Вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ушлаб турилганларни қамоқда сақлаш учун мўлжаллангандир.

Қамоққа олинганлар вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ўн суткагача сақланиши мумкин. Қамоққа олинганларни тергов ҳибсхонасига олислиги ёки лозим даражадаги қатнов йўллари мавжуд эмаслиги туфайли олиб боришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда, бундай шахслар вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида терговчининг прокурор билан келишилган қарорига, шунингдек прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига кўра ўттиз суткагача сақланиши мумкин.

Вақтинча сақлаш ҳибсхоналари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади.

### 10-модда. Тергов ҳибсхоналари

Тергов ҳибсхоналари қамоққа олинганларни қамоқда сақлаш учун мўлжаллангандир.

Қонунда белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда тергов ҳибсхоналарида ушлаб турилганлар ва маҳкумлар ҳам сақланиши мумкин.

Тергов ҳибсхоналари юридик шахслардир.

Тергов ҳибсхоналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади.

### 11-модда. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш учун гауптвахталардан фойдаланиш

Ушлаб турилган ва қамоққа олинган ҳарбий хизматчилар гауптвахталарда қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида гарнизон ва қоровуллик хизматини ташкил этиш ҳамда ўташ тартибини белгиловчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартиб ва шарт-шароитларда сақланади.

Қамоққа олинган ҳарбий хизматчилар гауптвахталарда кўпи билан йигирма сутка, олис жойларда эса қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг бутун амал қилиш муддати мобайнида сақланиши мумкин. Ҳарбий хизматчининг гауптвахтада сақлаш муддати ҳарбий судлар томонидан ишнинг судда кўриб чиқилиши вақтига, лекин кўпи билан ўн беш суткага узайтирилиши мумкин. Интизомий қисмга юборишга ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар суднинг ҳукми қонуний кучга киргунига қадар гауптвахталарда сақланиши мумкин.

### 12-модда. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш учун тиббий муассасалардан фойдаланиш

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга ихтисослаштирилган тиббий ёки психиатрия ёрдами кўрсатилган тақдирда, шунингдек қамоққа олинганларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган асослар бўйича стационар суд-тиббий ёки суд-психиатрия экспертизаси тайинланган тақдирда, улар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига жойлаштирилади.

### 13-модда. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш учун жазони ижро этиш муассасаларидан фойдаланиш

Жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган, бошқа жиноятни содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган маҳкумлар шу муассасаларда, лекин жазони ўтаётган маҳкумлардан ажратилган ҳолда вақтинча сақланиши мумкин. Ушбу мақсадда жазони ижро этиш муассасаларида ушлаб турилганлар учун махсус камералар жиҳозланади. Ушлаб турилганларни жазони ижро этиш муассасаларининг карцерлари ва интизомий ҳибсхоналарида сақлашга йўл қўйилмайди.

Жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган, бошқа жиноят иши юритилиши муносабати билан ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган маҳкумлар жазони ижро этиш муассасаларидаги ушбу мақсадлар учун махсус жиҳозланган, тергов ҳибсхоналари режимида ишлайдиган хоналарда сақланиши мумкин. Қамоққа олинганларни жазони ижро этиш муассасаларида сақлаш шарт-шароитлари қамоққа олинганларни тергов ҳибсхоналарида сақлаш шарт-шароитларидан фарқ қилмаслиги керак.

### 14-модда. Тергов ҳибсхоналаридан вақтинча сақлаш ҳибсхоналарига, жазони ижро этиш муассасаларидан тергов ҳибсхоналарига ўтказиш

Тергов ҳаракатларини бажариш ёки жиноят ишларини тергов ҳибсхоналари жойлашган аҳоли пунктлари ҳудудидан ташқарида судда кўриб чиқиш зарур бўлган ҳолларда, қамоққа олинганларни мазкур ҳаракатларни амалга ошириш ва суд мажлисларини ўтказиш учун ҳар куни олиб бориш имконияти бўлмаганда улар тергов ҳибсхоналаридан вақтинча сақлаш ҳибсхоналарига ўтказилиши, лекин бир ой мобайнида кўпи билан ўн суткага ўтказилиши мумкин. Бундай ўтказиш учун қамоққа олинганни бошқа ерга кўчириш тўғрисидаги терговчининг, прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими асос бўлади.

Башарти маҳкум бошқа жиноят иши бўйича гувоҳ ёки жабрланувчи бўлса, у суд ҳукми қонуний кучга кирганидан кейин жазони ижро этиш муассасасидан тергов ҳибсхонасига ўтказилиши ёки тергов ҳибсхонасида қолдирилиши мумкин. Бу ҳолда маҳкум: Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорларининг, шунингдек уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан уч ойгача муддатга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари розилиги билан олти ойгача муддатга, суднинг ажримига кўра эса иш судда кўриб чиқилиши вақтига тергов ҳибсхонасида сақланиши мумкин.

Бошқа туманда (шаҳарда) турган маҳкум бошқа ерга кўчириш тўғрисидаги терговчининг прокурор билан келишилган қарорига, шунингдек прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига мувофиқ бошқа ерга ўтказилади. Маҳкумни бошқа ерга кўчиришни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус бўлинмалари зиммасига юкланади.

### 15-модда. Қамоқда сақлаш жойларида режимни таъминлаш

Қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини, ўз мажбуриятларини бажаришини, уларнинг ажратиб қўйилишини, алоҳида-алоҳида жойлаштирилишини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган бошқа вазифалар бажарилишини таъминлайдиган режим ўрнатилади.

Қамоқда сақлаш жойларида режимни таъминлаш қамоқда сақлаш жойларининг маъмурияти, шунингдек ходимлари зиммасига юклатилади, улар ўз хизмат вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### 16-модда. Қамоқда сақлаш жойларидаги ички тартиб

Қамоқда сақлаш жойларида режимни таъминлаш мақсадида тегишинча Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси ёки Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири томонидан қамоқда сақлаш жойларидаги ички тартиб қоидалари (бундан буён матнда ички тартиб қоидалари деб юритилади) тасдиқланади.

Ички тартиб қоидаларида:

ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни қабул қилиш ҳамда камераларга жойлаштириш;

қамоқда сақлаш жойлари ҳудудига киришда ва ундан чиқишда шахсларнинг ашёлари, кийим-бошлари ва пойабзалларини кўздан кечиришдан ўтказиш, шунингдек кираётган ҳамда чиқиб кетаётган транспорт воситаларини кўздан кечириш, тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари, нарсалар ва моддаларни олиб қўйиш;

ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни шахсий тинтувдан ўтказиш, бармоқ изларини олиш, фотосуратга олиш, шунингдек уларнинг ашёларини ҳамда улар сақланаётган хоналарни кўздан кечириш;

ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлардан сақлаш, тарқатиш, истеъмол қилиш ҳамда фойдаланиш тақиқланган пуллар, қимматли қоғозларни ҳамда бошқа қимматликларни, озиқ-овқат маҳсулотлари, нарсалар ва моддаларни олиб қўйиш, шунингдек уларни сақлаш;

ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг моддий-маиший таъминоти;

ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг тиббий-санитария таъминоти;

қамоққа олинганларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари, энг зарур нарсалар, дарсликлар, қоғоз ва канцелярия ашёларини сотиб олиши;

посилкалар, йўқловлар, бандеролларни қабул қилиш ҳамда ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга бериш;

ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг хат-хабарларни олиши ва жўнатиши;

қамоққа олинганларнинг пул жўнатмалари олиши;

ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳар кунги сайрларини ўтказиш;

ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ушбу Қонуннинг 22-моддасида санаб ўтилган шахслар билан учрашувларини ўтказиш, шунингдек қамоққа олинганнинг телефон орқали лимитланган сўзлашув ҳуқуқини амалга ошириш;

ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг диний расм-русумларни адо этиши;

ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий битимларда иштирок этиши;

қамоққа олинганларнинг оилавий муносабатларда иштирок этиши;

қамоққа олинганларни меҳнатга жалб этиш;

ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг аризалар, таклифлар ва шикоятлар юбориши;

ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг қамоқда сақлаш жойининг бошлиғи ва у ваколат берган шахслар томонидан шахсан қабул қилиниши;

ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг тергов ҳаракатлари ва суд мажлисларида иштирок этишини таъминлаш;

қамоқда сақлаш жойларида вафот этган ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг жасадларини бериш;

ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни қамоқдан озод қилиш тартиби белгиланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган нормалардан ташқари, ички тартиб қоидаларида ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг қамоқда сақлаш жойларидаги хулқ-атвор қоидалари, тегишинча ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ёнида бўлиши, сақлаши, посилкалар, йўқловлар, бандеролларда олиши ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича сотиб олиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг, энг зарур нарсаларнинг рўйхати ва миқдори белгиланади.

### 17-модда. Қамоқда сақлаш жойларининг ходимлари

Қамоқда сақлаш жойларининг ходимлари жумласига қамоқда сақлаш жойларида режимни таъминлаш мажбуриятини бажараётган ички ишлар органларининг оддий аскарлари, сержантлари ва офицерлари таркибидаги шахслар, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари киради.

Қамоқда сақлаш жойларида режимни таъминлаш мажбуриятини бажараётган даврда денгиз ва дарё кемаларининг капитанлари, шунингдек улар ваколат берган шахслар қамоқда сақлаш жойларининг ходимлари учун ушбу Қонунда назарда тутилган мажбуриятларни бажаради ҳамда ҳуқуқлардан фойдаланади.

## 3-боб. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқлари, шунингдек бу ҳуқуқларни таъминлаш кафолатлари

### 18-модда. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқлари

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари, қамоқда сақлаш жойларидаги режим, хулқ-атвор қоидалари, аризалар, таклифлар ва шикоятларни юбориш тартиби тўғрисида ахборот олиш;

қамоқда сақлаш жойининг бошлиғига ёки у ваколат берган шахсга, шунингдек қамоқда сақлаш жойларини назорат қилувчи ёки текширувчи мансабдор шахсларга шахсан қабул қилиш тўғрисида илтимос билан мурожаат этиш;

ўзларининг сақлаб турилиши қонунийлиги ва асослилиги ҳамда ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги масала юзасидан шахсан ёки ҳимоячи ёхуд қонуний вакил орқали аризалар ва шикоятлар билан мурожаат этиш;

ёзишмалар олиб бориш, ўз тасарруфида қоғоз ва канцелярия ашёлари бўлиши;

шахсий хавфсизлик;

ҳимоячиси, қонуний вакили, қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашиш;

жиноят ишига дахлдор ёки ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш масалаларига таааллуқли ҳужжатларни ҳамда ёзувларни ўзида сақлаш, бундан ғайриҳуқуқий мақсадларда фойдаланилиши мумкин бўлган ёхуд давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар ва ёзувлар мустасно;

бепул овқат, моддий-маиший ва тиббий-санитария таъминоти олиш, шу жумладан ўзларининг тергов ҳаракатлари ва суд мажлисларида иштирок этиши даврида олиш;

белгиланган тартибда дори воситаларини олиш ва сақлаш;

посилкалар, йўқловлар, бандероллар олиш;

тунги вақтда саккиз соат ухлаш, бу вақтда уларни процессуал ва бошқа ҳаракатларда иштирок этишга жалб этиш тақиқланади, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

камида бир соат давом этадиган ҳар кунги сайр этиш;

шахсий кийим-боши, пойабзали ва бошқа ашёларидан, шунингдек рўйхати ва миқдори ички тартиб қоидаларида белгиланадиган озиқ-овқат маҳсулотларидан, энг зарур нарсалардан фойдаланиш;

қамоқда сақлаш жойи кутубхонасидаги қонун ҳужжатлари, адабиётлар ва даврий матбуот нашрларидан фойдаланиш ҳамда мустақил таълим олиш билан шуғулланиш;

агар бу ички тартиб қоидаларини, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаса, қамоқда сақлаш жойи хоналарида диний расм-русумларни адо этиш, қамоқда сақлаш жойи кутубхонасидаги диний адабиётлардан фойдаланиш, диний ибодат нарсаларидан фойдаланиш;

қамоқда сақлаш жойлари ходимларининг хушмуомалада бўлиши;

фуқаролик-ҳуқуқий битимларда иштирок этиш.

Ушлаб турилган ва қамоққа олинган аёллар икки ёшга тўлмаган болалари ўз ёнида бўлишига ҳақлидир.

Қамоққа олинганлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқлардан ташқари қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эга:

пул жўнатмаларини олиш;

қамоқда сақлаш жойи маъмурияти орқали озиқ-овқат маҳсулотлари, энг зарур нарсалар, дарсликлар, қоғоз ва канцелярия ашёларини сотиб олиш;

қамоқда сақлаш жойи кутубхонасидаги стол устида ўйналадиган ўйинлардан фойдаланиш;

зарурат бўлганда, қамоқда сақлаш жойи маъмуриятидан кийишга рухсат этилган кийим-бош ва пойабзал олиш;

оилавий муносабатларда иштирок этиш.

Қамоққа олинганларга тегишли шароитлар бўлган тақдирда, меҳнат қилиш имконияти берилади.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқлардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида гумон қилинувчи ва айбланувчи учун назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади.

Жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумлар бошқа жиноят иши юритилиши муносабати билан уларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси-

да улар жазони ўтаётган жазони ижро этиш муассасасининг режим тури учун белгиланган қоидаларга мувофиқ посилкалар, йўқловлар, бандероллар олишга, озиқ-овқат маҳсулотларини, энг зарур нарсаларни сотиб олишга ҳақлидир.

**19-модда. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар юбориш тартиби**

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар қамоқда сақлаш жойи маъмуриятига, давлат органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳамда мурожаат этилган тилда белгиланган тартибда ёзма жавоблар олиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қамоқда сақлаш жойи маъмурияти орқали юборилади, бундан ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни шахсан қабул қилиш вақтида қамоқда сақлаш жойларининг фаолиятини назорат қилувчи ёки текширувчи мансабдор шахслар томонидан олинган мурожаатлар мустасно.

Суд, прокурор, ҳимоячи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ёки қамоқда сақлаш жойларини текшириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа давлат органлари номига, шунингдек жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга йўлланган аризалар, таклифлар ва шикоятлар цензурадан ўтказилмайди ҳамда берилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай муҳрланган тарзда адресатга юборилади ёки топширилади. Бошқа давлат органлари ва ташкилотлари номига йўлланган аризалар, таклифлар ва шикоятлар берилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга топширилади, улар томонидан қараб чиқилади ҳамда ўша муддатда адресатга юборилади. Мурожаат адресатга юборилганлиги тўғрисидаги илова хатнинг кўчирма нусхаси ушлаб турилганга ёки қамоққа олинганга эълон қилиш учун қамоқда сақлаш жойига юборилади.

Суриштирувчи ёки терговчининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар берилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай қамоқда сақлаш жойи маъмурияти томонидан тергов органининг бошлиғига ёхуд прокурорга, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар эса юқори турувчи прокурорга юборилади ёки топширилади.

Жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши ёхуд жиноят содир этилишига кўмаклашиши мумкин бўлган маълумотлар кўрсатилган, махфий ёзув, белгилар билан ёзилган, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган аризалар, таклифлар ва шикоятлар адресатга юборилмайди ҳамда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга топширилиб, бу ҳақда ушлаб турилган ёки қамоққа олинган, шунингдек прокурор ёзма равишда хабардор қилинади.

Аризалар, таклифлар ва шикоятларга берилган ёзма жавоблар, шунингдек улар жўнатилганлиги тўғрисидаги илова хатларнинг кўчирма нусхалари ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга тилхат олиб эълон қилинади ҳамда уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги аризалар ва шикоятлар билан мурожаат этганлиги учун ҳар қандай шаклда таъқиб қилиш тақиқланади.

**20-модда. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг қариндошлари ҳамда бошқа шахслар билан ёзишмалари**

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар қариндошлари ҳамда бошқа шахслар билан ёзишмалар олиб бориш ҳуқуқига эга. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг хат-хабарларини жўнатиш уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ушлаб турилганнинг, қамоққа олинганнинг ёзишмалари қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти орқали амалга оширилади ҳамда цензурадан ўтказилади. Цензура қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан, зарур бўлган тақдирда эса жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган томонидан амалга оширилади.

Ушлаб турилганнинг, қамоққа олинганнинг жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши ёхуд жиноят содир этилишига кўмаклашиши мумкин бўлган маълумотлар кўрсатилган, махфий ёзув, белгилар билан ёзилган, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган хат-хабари адресатга жўнатилмайди, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга берилмайди ҳамда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга топширилади. Бу ҳақда прокурор ёзма равишда хабардор қилинади.

Хат-хабарни ушлаб турилганларга ёки қамоққа олинганларга топшириш ва адресатларга жўнатиш хат-хабар келиб тушган ёхуд у жўнатишга топширилган кундан эътиборан уч кунлик муддатда қамоқда сақлаш жойи маъмурияти томонидан амалга оширилади.

Ушлаб турилганнинг ёки қамоққа олинганнинг яқин қариндоши вафот этганлиги, оғир касаллиги, ушлаб турилганнинг ёки қамоққа олинганнинг оиласи ёхуд яқин қариндошларига моддий зарар етказган табиий офат ҳақидаги маълумотлар, шунингдек бошқа шунга ўхшаш маълумотлар олинганидан кейин дарҳол адресатга маълум қилинади.

Турли қамоқда сақлаш жойларидаги ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ўртасидаги ёки ушлаб турилганлар, қамоққа олинганларнинг озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар билан ёзишмалари фақат қариндошлар ўртасида амалга оширилиши мумкин.

Қамоқда сақлаш жойидан кетган ушлаб турилганнинг ёки қамоққа олинганнинг номига келган хатлар олинганидан кейин уч кунлик муддатдан кечиктирмай қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан у кетган жойга жўнатилади.

**21-модда. Шахсий хавфсизлик ҳуқуқи**

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар шахсий хавфсизлик ҳуқуқига эга.

Ушлаб турилганнинг ёки қамоққа олинганнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид ёхуд унга нисбатан шахсга қарши жиноятлар содир этилиши таҳдиди юзага келганда қамоқда сақлаш жойининг ходимлари дарҳол унинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриши шарт.

Қамоқда сақлаш жойининг бошлиғи ушлаб турилганларнинг, қамоққа олинганларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўради.

**22-модда. Ушлаб турилганнинг ёки қамоққа олинганнинг ҳимоячиси, қонуний вакили, қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувлари**

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга ҳимоячиси, қонуний вакили, қариндошлари ҳамда бошқа шахслар билан учрашувлар берилади. Ҳимоячи ва қонуний вакил билан монеликсиз ва холи учрашувлар уларнинг сони ҳамда давом этиш муддати чекланмаган ҳолда берилади, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 230-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушлаб турилганга жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг ёки органнинг ёзма рухсати асосида қариндошлари ва бошқа шахслар билан ойига давом этиш муддати икки соатгача бўлган битта учрашув, қамоққа олинганга эса ҳар бирининг давом этиш муддати икки соатгача бўлган кўпи билан иккита учрашув (шу жумладан ушлаб турилган даврида берилган учрашув) берилиши мумкин.

Ушлаб турилган, қамоққа олинган билан учрашувлар қуйидагиларга берилади:

адвокатга — у адвокат гувоҳномасини ва ўзининг муайян ишни юритишга бўлган ваколатини тасдиқловчи ордерни кўрсатганда;

ҳимоячи сифатида иштирок этаётган яқин қариндошига ёки қонуний вакилига — унинг ишда ҳимоячи сифатида иштирок этишига йўл қўйиш тўғрисида суриштирувчи, терговчининг қарорини ёки суднинг ажримини ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатганда;

қонуний вакилга — унинг ишда қонуний вакил сифатида иштирок этишига йўл қўйиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг қарорини ёки суднинг ажримини ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатганда;

қариндошга ёки бошқа шахсга — жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг ёки органнинг ёзма рухсатини ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатганда.

Ушбу модданинг учинчи қисмида санаб ўтилган шахслардан бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш тақиқланади.

Ушлаб турилганнинг ёки қамоққа олинганнинг ўз ҳимоячиси ва қонуний вакили билан учрашувлари қамоқда сақлаш жойининг ходими уларни кўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда ўтказилиши мумкин.

Қариндошлар ва бошқа шахслар билан учрашувлар қамоқда сақлаш жойлари ходимларининг назорати остида амалга оширилади ҳамда ушлаб турилганга ёки қамоққа олинганга тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари, нарсалар ва моддаларни топширишга ёхуд жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши ёки жиноят содир этилишига кўмаклашиши мумкин бўлган, шунингдек қамоқда сақлаш жойларидаги режимга тааллуқли маълумотларни шартли имо-ишоралар ёрдамида ёхуд қамоқда сақлаш жойларининг ходимларига тушунарсиз тилда топширишга уринилган тақдирда муддатидан илгари тўхтатиб қўйилади.

Ҳимоячилар, қонуний вакиллар, қариндошлар ва бошқа шахсларга учрашувлар берилганда, уларнинг ёнида алоқа воситалари, шахсий компьютер, фотоаппаратлар, видеокамераларнинг ва овоз ёзиш қурилмаларининг бўлиши тақиқланади.

Қариндошлар ва бошқа шахслар билан учрашув ҳуқуқини амалга ошириш имконияти бўлмаган ҳолларда (қариндошлар ва бошқа шахслар келишининг моддий ва бошқа қийинчиликлари, уларнинг касаллиги ва ҳоказо), қамоққа олинганга у сақланаётган жойнинг техник имкониятлари бўлганда унинг шахсий ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан телефон орқали лимитланган сўзлашув ҳуқуқи берилиши мумкин.

**23-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) қамоқда сақлаш жойларига бориши**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) қамоқда сақлаш жойларига монеликсиз кириш, шунингдек ушлаб турилган ёки қамоққа олинган билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиш ҳуқуқига эга.

Қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар билан монеликсиз ва холи учрашуви ҳамда суҳбати учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) ушлаб турилган ва қамоққа олинган билан учрашувлари ва суҳбатлари қамоқда сақлаш жойи ходимлари уларни кўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда холи ўтказилади.

**24-модда. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг овқати**

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар улар организмининг нормал яшаши учун етарли бўлган бепул овқат билан таъминланади.

Қамоқда сақлаш жойларидаги овқат нормалари ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг соғлиғи ҳолатига ҳамда ёшига, шунингдек қамоққа олинганлар жалб этилиши мумкин бўлган ишнинг хусусияти ва оғирлигига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ушлаб турилган ва қамоққа олинган ҳомиладор аёлларга ва ёнида икки ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, вояга етмаганларга, шунингдек беморларга, биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронларига бериладиган овқат оширилган нормаларда белгиланади.

**25-модда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш**

Қамоққа олинганлар ички тартиб қоидаларида белгиланадиган рўйхатга ва миқдорга мувофиқ ўз шахсий ҳисобварақларидаги маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан сотиб олиш ҳуқуқига эга.

**26-модда. Моддий-маиший таъминот**

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга қонун ҳужжатларида белгиланган санитария, гигиена ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган маиший шароитлар яратилади.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар шахсий кийим-боши ва пойабзалидан фойдаланади. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларда зарур маблағлар бўлмаган тақдирда уларнинг илтимосига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан уларга жинси ҳамда иқлим шароитлари инобатга олинган ҳолда кийиб юришга рухсат этилган мавсумий кийим-бош ва пойабзал берилади.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга алоҳида ётоқ жойи, кўрпа-тўшак, идишлар ҳамда овқатланиш асбоблари берилади. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларда зарур маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, уларнинг илтимосига кўра, уларга якка тартибдаги гигиена воситалари (камида совун, тиш чўткаси, тиш пастаси ёки порошоги), соқол оладиган асбоб ёки шахсий гигиена воситалари (аёллар учун) ҳам берилади.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар сақланадиган камералар вентиляция жиҳозларига ҳамда иситиш тизимига, шунингдек кўзга зиён етказмайдиган ҳолда ўқиш ёки ёзиш учун етарли табиий ва сунъий ёруғликка эга бўлиши керак. Камераларнинг деразалари сунъий вентиляция тизими мавжудлигидан қатъи назар, тоза ҳаво киришини таъминлаши лозим.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар сақланадиган камералар радиоэшиттириш воситалари билан жиҳозланади.

Қамоққа олинганларнинг чўмилиб-ювиниши, чойшаб ва ёстиқжилдларини алмаштириш етти кунда камида бир марта амалга оширилади.

Қамоқда сақлаш жойларида бир кишига тўғри келадиган яшаш майдонининг нормаси икки ярим квадрат метрдан, аёллар ва вояга етмаганлар учун эса уч квадрат метрдан кам бўлмаган ўлчамда белгиланади. Ушлаб турилган ва қамоққа олинган беморлар, шунингдек ҳомиладор аёллар ва ёнида икки ёшга тўлмаган болалари бор аёллар сақланадиган палаталарда (камераларда) бир кишига тўғри келадиган яшаш майдони тўрт квадрат метрдан кам бўлмаслиги лозим.

Қамоқда сақлаш жойларида яшаш майдони нормаси белгиланган тартибда тасдиқланган санитария-гигиена ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларига мос бўлиши керак.

**27-модда. Тиббий-санитария таъминоти**

Қамоқда сақлаш жойларида даволаш-профилактика ва санитария, эпидемияга қарши ишлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ва ўтказилади. Мазкур жойлар маъмурияти ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг соғлиғини сақлашни таъминлайдиган санитария-гигиена талабларини бажариши шарт.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга ихтисослаштирилган тиббий ёки психиатрия ёрдами кўрсатилиши зарур бўлган ҳолларда, шунингдек қамоққа олинганларга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган асослар бўйича стационар суд-тиббий ёхуд суд-психиатрия экспертизаси тайинланган тақдирда, улар давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига жойлаштирилади. Бунда уларни қўриқлаш ва хулқ-атворини назорат қилиш таъминланади. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни қамоқда сақлаш жойи ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган билан келишилади. Ушлаб турилган ва қамоққа олинганга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлганда уларни давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига олиб чиқиш қамоқда сақлаш жойи бошлиғининг ёзма рухсати билан амалга оширилиб, кейинчалик жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган ёзма равишда хабардор қилинади.

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган қамоқда сақлаш жойларида тан жароҳатлари олганда қамоқда сақлаш жойларининг тиббий ходимлари томонидан кечиктирмасдан тиббий гувоҳлантириш ўтказилади. Тиббий гувоҳлантириш натижалари белгиланган тартибда қайд этилади ва жабрланувчига маълум қилинади. Тиббий гувоҳлантириш қамоқда сақлаш жойи бошлиғининг ёхуд жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг ёки органнинг шахсий ташаббусига ёхуд ушлаб турилганнинг ёки қамоққа олинганнинг ёхуд унинг ҳимоячисининг илтимосига кўра чиқарилган қарори асосида давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасалари ходимлари томонидан амалга оширилади. Тиббий гувоҳлантиришни ўтказишнинг рад этилиши устидан прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга тиббий ёки психиатрия ёрдами кўрсатиш, дори воситалари бериш, тиббий гувоҳлантириш ўтказиш, санитария назоратини ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек бундай шахсларни тиббий муассасаларда сақлаш ҳамда давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасалари ходимларини уларга хизмат кўрсатишга жалб этиш тартиби тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ёки Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга тиббий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган оғир касалликка чалинган ёхуд у вафот этган тақдирда, қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти бу ҳақда унинг яқин қариндошларига, қонуний вакилига, жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга ва прокурорга дарҳол хабар қилади. Ушлаб турилганнинг ёки қамоққа олинганнинг вафот этганлиги факти бўйича Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда тергов олди текшируви ўтказилади.

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган вафот этган шахснинг жасади суд-тиббий экспертизасидан ўтказилганидан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган бошқа ҳаракатлар бажарилганидан кейин вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошларига ёки қонуний вакилларига ёхуд дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахсларга топширилади. Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакилларидан ёхуд дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз

зиммасига олган бошқа шахслардан жасадни бериш тўғрисида ариза тушмаган тақдирда, вафот этган шахсни дафн этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**28-модда. Посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмаларини олиш**

Қамоққа олинганларнинг бир ой мобайнида, ушлаб турилганларнинг ушлаб турилган даврида оғирлиги почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган нормалардан ошмайдиган биттадан посилка ёки бандероль, шунингдек умумий оғирлиги ўн икки килограммгача бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат иккита йўқлов олишига рухсат этилади.

Ушлаб турилган ва қамоққа олинган ҳомиладор аёллар ва ёнида икки ёшга тўлмаган болалари бор аёллар, вояга етмаганлар, шунингдек шифокорнинг ёзма хулосасига кўра даволанишга ҳамда кучайтирилган овқатга муҳтож деб топилган беморлар, биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлари учун йўқловларнинг сони ва оғирлиги чекланмайди.

Шифокорнинг ёзма хулосасига кўра тавсия этиладиган, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар томонидан олинадиган дори воситаларининг миқдори чекланмайди.

Қамоққа олинганлар ўз шахсий ҳисобварақларига ўтказиладиган пул жўнатмаларини олиши мумкин. Пул жўнатмалари тўғрисида қамоққа олинган, шунингдек жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган хабардор қилинади.

Одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёки жиноят қуроли сифатида ёхуд ушлаб туриш, қамоқда сақлаш мақсадларига тўсқинлик қилиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, нарсалар ва моддаларни ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга бериш тақиқланади.

Сақланиши ҳамда фойдаланилиши тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари, нарсалар ва моддаларни кўздан кечиришдан яшириш ёки ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга бериш, худди шунингдек уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, нарсалар ва моддаларни белгиланган ички тартиб қоидаларини бузган ҳолда бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

**29-модда. Ушлаб турилганларнинг, қамоққа олинганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий битимларда ва оилавий муносабатларда иштирок этиши**

Ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг ёки органнинг ёзма рухсати билан ва ички тартиб қоидаларида белгиланган тартибда ўз вакиллари орқали ёхуд бевосита фуқаролик-ҳуқуқий битимларда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Қамоққа олинганлар, агар ушбу Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, никоҳ тузиш ҳамда никоҳдан ажралиш, бошқа оилавий муносабатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

**30-модда. Қамоққа олинганларни меҳнатга жалб этиш**

Қамоққа олинганлар тегишли шароитлар мавжуд бўлганда қамоқда сақлаш жойи ҳудудида ўз хоҳишларига кўра ва жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органнинг ёзма рухсати билан меҳнатга жалб этилиши мумкин.

Қамоққа олинганларнинг меҳнат шароити қонун ҳужжатларида белгиланган хавфсизлик, санитария ва гигиена талабларига жавоб бериши керак. Қамоққа олинганлар ўз меҳнати учун тегишли ҳақ олишга ҳақлидир.

Қамоққа олинганларнинг иш ҳақи белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлмаслиги лозим ва қонунда назарда тутилган чегирмалар қилинганидан кейин уларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказилади.

Қамоққа олинганларни меҳнатга жалб этиш мақсадида тергов ҳибсхоналари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Қамоққа олинганларнинг тергов ҳибсхоналаридаги ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган даромадлардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қамоққа олинганларни сақлаш шарт-шароитларини яхшилаш, шунингдек тергов ҳибсхоналарининг ижтимоий соҳасини ривожлантириш учун фойдаланилади.

**31-модда. Ҳомиладор аёлларни ва ёнида икки ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни қамоқда сақлаш хусусиятлари**

Қамоқда сақлаш жойларида ҳомиладор аёллар ва ёнида икки ёшга тўлмаган болалари бор аёллар учун яхшиланган моддий-маиший шароитлар яратилади, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш ташкил этилади ҳамда овқатнинг оширилган нормалари белгиланади.

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган ҳомиладор аёллар туғиш учун давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига олиб чиқилади.

Ҳомиладор аёлларнинг ва ёнида икки ёшга тўлмаган болалари бор аёлларнинг ҳар кунги сайри камида икки соат давом этадиган қилиб белгиланади.

Зарур бўлган тақдирда, қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга онанинг розилиги билан болани қариндошларига ёхуд бошқа шахсларга ёки болалар муассасасига вақтинча топшириш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин. Жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган илтимосномани олгач, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 218-моддасига мувофиқ ҳомийлик қилиш чораларини кўради.

**32-модда. Вояга етмаганларни қамоқда сақлаш хусусиятлари**

Қамоқда сақлаш жойларида вояга етмаганлар учун яхшиланган моддий-маиший шароитлар яратилади ва овқатнинг оширилган нормалари белгиланади.

Вояга етмаганларнинг ҳар кунги сайри камида икки соат давом этадиган қилиб белгиланади. Сайрлар вақтида вояга етмаганларга жисмоний машқлар ва спорт ўйинлари учун имконият берилади.

Ушлаб турилган, қамоққа олинган вояга етмаганларга шарт-шароитлар мавжуд бўлганда, кинофильмлар намойиш этилади, улар учун телекўрсатувларни томоша қилиш ташкил этилади, спорт машғулотлари ва бўш вақтни ўтказиш учун хоналар, шунингдек очиқ ҳавода спорт майдончалари жиҳозланади.

Ушлаб турилган, қамоққа олинган вояга етмаганлар билан маданий-тарбиявий ишлар ўтказилади.

Ушлаб турилган, қамоққа олинган вояга етмаганларнинг посилкалар, йўқловлар ва бандеролларда дарсликлар ҳамда ёзув ашёлари олишига, қамоққа олинган вояга етмаганларнинг эса мазкур нарсаларни қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти орқали сотиб олишига ҳам рухсат берилади.

**33-модда. Ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини топширишни, шунингдек ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг тергов ҳаракатлари ҳамда суд мажлисларида иштирок этишини таъминлаш**

Қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти қамоққа олинганларга айблов хулосаларининг, суд ҳукмлари, ажримларининг кўчирма нусхаларини улар келиб тушган кунда тилхат олиниб топширилишини таъминлайди, тилхат кўчирма нусха топширилган сана ва вақт кўрсатилган ҳолда судга тақдим этилади.

Қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг ёзма кўрсатмаси бўйича қуйидагиларни таъминлайди:

ушлаб турилганлар, қамоққа олинганларни қамоқда сақлаш жойларига қабул қилиш ва жойлаштириш, шунингдек уларни белгиланган жойга жўнатиш учун соқчига топширишни;

қамоқда сақлаш жойи ҳудудида тергов ва суд ҳаракатларини, амбулатория суд-психиатрия экспертизасини ҳамда бошқа экспертизаларни ўтказиш учун жиҳозланган хоналар берилишини.

Қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти ушлаб турилганларни ёки қамоққа олинганларни бошқа туманда (шаҳарда) жойлашган тергов ҳибсхоналарига ўтказишни ушлаб турилганларни ёки қамоққа олинганларни бошқа ерга кўчириш тўғрисидаги терговчининг прокурор билан келишилган қарори, шунингдек прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими асосида амалга оширади.

**4-боб. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг мажбуриятлари ҳамда моддий жавобгарлиги**

**34-модда. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг мажбуриятлари**

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар:

ушбу Қонунда ва ички тартиб қоидаларида белгиланган қамоқда сақлаш тартиби ва шарт-шароитларига риоя этиши;

қамоқда сақлаш жойи маъмуриятининг қонуний талабларини бажариши, шунингдек қамоқда сақлаш жойлари ходимларининг ва тартибни таъминловчи бошқа шахсларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилмаслиги;

шахсий гигиена ва санитария талабларига риоя этиши;

ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиши;

қамоқда сақлаш жойларининг мол-мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши;

камералар ва бошқа хоналарни навбат тартибида тозалаб туриши;

бошқа шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатларни содир этмаслиги;

ўз ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи хатти-ҳаракатларни қасддан содир этмаслиги шарт.

Ушбу Қонунда белгиланган мажбуриятлардан ташқари, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг зиммасида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида гумон қилинувчи ва айбланувчи учун назарда тутилган мажбуриятлар бўлади.

**35-модда. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг моддий жавобгарлиги**

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар қамоқда сақлаш жойининг мол-мулкига ўз хатти-ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда, агар зарар қамоққа олинганнинг меҳнат фаолияти жараёнида етказилган бўлса, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда моддий жавобгар бўлади. Етказилган моддий зарар миқдори қамоқда сақлаш жойи бошлиғининг қарори билан белгиланади. Мазкур қарор ушлаб турилганга ёки қамоққа олинганга тилхат олиниб эълон қилинади ва юқори турувчи мансабдор шахсга, прокурорга ёки судга бу қарор устидан шикоят қилиниши мумкин.

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплашни рад этган тақдирда, бу зарар қонунга мувофиқ суд тартибида ундирилади.

Етказилган моддий зарар учун нотўғри ундирилган суммалар ушлаб турилганга ёки қамоққа олинганга қайтарилиши керак.

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган етказган моддий зарарнинг ўрни унинг қариндошлари ёки бошқа шахслар томонидан уларнинг розилиги билан қопланиши мумкин.

Маҳкум жазони ижро этиш муассасасига юборилган тақдирда, ўрни қопланмаган моддий зарар мазкур муассаса маъмурияти томонидан маҳкумнинг шахсий ҳисобварағига тушадиган маблағлар ҳисобидан ундирилади.

Ушлаб турилган ёки қамоққа олинган қамоқдан озод қилинган тақдирда, унинг томонидан ўрни қопланмаган моддий зарар қонунга мувофиқ суд тартибида ундирилиши мумкин.

**5-боб. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш ҳамда интизомий жазо чоралари**

**36-модда. Рағбатлантириш чоралари ва уларнинг қўлланилиш тартиби**

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга нисбатан мажбуриятларини намунали бажарганлик, қамоқда сақлашнинг белгиланган тартиби ва шарт-шароитларига риоя этганлик учун қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин:

ташаккур эълон қилиш;

илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан илгари олиб ташлаш;

ҳар кунги сайр вақтини кўпайтириш;

вояга етмаганларга қўшимча кинофильм намойиш этиш, телекўрсатувлар томоша қилишни ташкил этиш, спорт машғулотлари хонасига қўшимча равишда кириш, шунингдек бўш вақтни ўтказишнинг бошқа шакллари учун рухсат бериш.

Рағбатлантириш чоралари қамоқда сақлаш жойи бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг буйруғи билан қўлланилади ва ушлаб турилганга ёки қамоққа олинганга эълон қилинади. Рағбатлантириш чоралари қўлланилганлиги тўғрисида ушлаб турилганнинг ёки қамоққа олинганнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига тегишли ёзув киритилади.

**37-модда. Интизомий жазо чоралари ва уларнинг қўлланилиш тартиби**

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга нисбатан белгиланган мажбуриятларни бажармаганлик, қамоқда сақлаш тартиби ва шарт-шароитларини, ажратиб қўйишни таъминлаш талабларини бузганлик учун қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

огоҳлантириш;

ҳайфсан;

қамоққа олинганларни карцерга ёки гауптвахтадаги бир кишилик камерага ўн суткагача, вояга етмаганларни эса карцерга беш суткагача бўлган муддатга киритиб қўйиш.

Интизомий жазо ёзма шаклда берилади. Интизомий жазо қўлланилганлиги ҳақидаги материаллар ушлаб турилганнинг ёки қамоққа олинганнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

Ушлаб турилгандан ёки қамоққа олингандан интизомий жазо қўлланилишидан олдин ёзма тушунтириш олинади, бундай тушунтириш беришдан бош тортилган ҳолларда эса тегишли далолатнома тузилади.

Интизомий жазони қўллаш чоғида қоидабузарлик содир этилган ҳолатлар, ушлаб турилганнинг ёки қамоққа олинганнинг хулқ-атвори ва шахсига оид сифатлар, илгари интизомий жазолар берилган-берилмаганлиги инобатга олинади.

Интизомий жазо қоидабузарлик аниқланган кундан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай, қоидабузарлик факти юзасидан текширув ўтказилган тақдирда эса у тугаган кундан эътиборан, лекин қоидабузарлик содир этилган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Интизомий жазо дарҳол қўлланилади, уни дарҳол қўллаш имконияти бўлмаган тақдирда эса ушбу жазо берилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилади.

Интизомий жазо қамоқда сақлаш жойининг бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахс томонидан берилади. Бир вақтнинг ўзида содир этилган бир нечта қоидабузарлик учун битта интизомий жазо қўлланилади. Битта қоидабузарлик учун бир нечта интизомий жазо қўллаш тақиқланади.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар юқори турувчи мансабдор шахсга, прокурорга ёки судга қўлланилган интизомий жазо устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Шикоят бериш интизомий жазонинг ижро этилишини тўхтатиб турмайди.

**38-модда. Карцерга киритиб қўйиш тарзидаги интизомий жазонинг қўлланилиш хусусиятлари**

Қамоққа олинганлар қуйидагилар учун карцерга киритиб қўйилиши мумкин:

қамоқда сақланаётган бошқа шахсларга зулм қилганлик ва уларни ҳақорат қилганлик;

қамоқда сақлаш жойлари ходимларининг ёки бошқа шахсларнинг қонуний талабларига итоат этмаганлик ёхуд уларни ҳақорат қилганлик;

ажратиб қўйишни таъминлаш талабларини бир неча марта бузганлик;

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг таъсир доирасига тушадиган ҳуқуқбузарлик содир этганлик;

ушбу Қонунда ва ички тартиб қоидаларида тақиқланган нарсаларни ва моддаларни сақлаганлик, тарқатганлик, истеъмол қилганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун.

Карцерга киритиб қўйиш тарзидаги интизомий жазо илгари огоҳлантириш ёки ҳайфсан тарзидаги иккита ва ундан ортиқ интизомий жазо қўлланилган қамоққа олинганларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Карцерга киритиб қўйиш тарзидаги интизомий жазо ҳомиладор аёлларга ва ёнида икки ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, шунингдек биринчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Карцерга киритиб қўйиш қамоқда сақлаш жойи бошлиғининг қарори ва шифокорнинг қамоққа олинганнинг соғлиғи ҳолатига кўра карцерда туриши мумкинлиги ҳақидаги ёзма хулосаси асосида амалга оширилади.

Қамоқда сақлаш жойининг бошлиғи тиббий кўрсатувларни инобатга олган ҳолда карцерга киритиб қўйиш тарзидаги интизомий жазонинг ижросини кечиктириш, карцерда сақлаш муддатини қисқартириш ёки қамоққа олинганни карцердан муддатидан илгари озод қилиш ҳуқуқига эга.

Агар қамоққа олинган кечиктириш даврида янги қоидабузарлик содир этмаган бўлса, у карцерга киритиб қўйиш тарзидаги интизомий жазодан озод қилиниши мумкин.

Юқори турувчи мансабдор шахс, прокурор ёки суд карцерга киритиб қўйиш тарзидаги интизомий жазо асоссиз ёхуд у содир этилган қоидабузарликка номутаносиб бўлган ҳолларда интизомий жазони енгиллаштириш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Ушбу модданинг қоидалари қамоққа олинган ҳарбий хизматчиларни интизомий жазо сифатида гауптвахталардаги бир кишилик камерага киритиб қўйишда ҳам қўлланилади.

**39-модда. Карцерда сақлаш шарт-шароитлари**

Карцерда қамоққа олинганларни якка сақлаш белгиланади.

Карцерда қамоққа олинганлар ётиш учун алоҳида жой ва кўрпа-тўшак билан фақат тунги ухлаш вақти учун таъминланади.

Карцерда сақлаш вақтида қамоққа олинганларнинг ёзишмалари, ҳимоячи, қонуний вакил билан учрашувлардан ташқари учрашувлари, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиши, посилкалар, йўқловлар ҳамда бандероллар олиши, стол устида ўйналадиган ўйинлар, китоблар ва даврий матбуот нашрларидан фойдаланиши тақиқланади. Посилкалар, йўқловлар ҳамда бандероллар қамоққа олинганларга уларнинг карцерда бўлиш муддати тугаганидан кейин топширилади.

Карцерда сақланаётган қамоққа олинганлар ҳар куни бир соат давом этадиган сайрдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Карцерда сақланаётган қамоққа олинганларга нисбатан ушбу моддада назарда тутилмаган чеклашларга йўл қўйилмайди.

**51-модда. Қамоқда сақлаш жойларига туташ ҳудудларда режим талабларининг таъминланиши**

Қамоқда сақлаш жойларига бевосита туташ ва чегаралари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган ҳудудларда қамоқда сақлаш жойи бошлиғининг тақдимномасига биноан режим талаблари ўрнатилиши мумкин.

**52-модда. Қамоқда сақлаш жойларида тезкор-қидирув фаолияти**

Қамоқда сақлаш жойларида жиноятларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек жиноятларни тайёрлаётган, содир этаётган ёки содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тезкор-қидирув фаолияти амалга оширилади.

**7-боб. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни қамоқдан озод қилиш**

**53-модда. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни қамоқдан озод қилиш асослари**

Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг қарори, шунингдек ушлаб туриш ёки қамоқда сақлашнинг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган муддати тугаши ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни қамоқдан озод қилишга асос бўлади.

**54-модда. Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни қамоқдан озод қилиш тартиби**

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни қамоқдан озод қилиш ушлаб турилганни ёки қамоққа олинганни қамоқдан озод қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёхуд суднинг қарори келиб тушгач, қамоқда сақлаш жойининг бошлиғи томонидан дарҳол амалга оширилади.

Қамоқда сақлаш жойининг бошлиғи ушлаб туриш муддати тугашидан ўн икки соат олдин ва қамоқда сақлаш муддати тугашидан етти сутка олдин бу ҳақда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсни ёки органни, шунингдек прокурорни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Агар ушлаб туриш ёки қамоқда сақлашнинг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган муддатлари тугаганидан кейин ушлаб турилганни ёки қамоққа олинганни озод қилиш, ушлаб туриш муддатини узайтириш, ушлаб турилганга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёхуд суднинг қарори келиб тушмаган бўлса, қамоқда сақлаш жойларида қонунлар ижроси устидан назорат қилувчи прокурор ёхуд қамоқда сақлаш жойининг бошлиғи ушлаб турилганни ёки қамоққа олинганни ўз қарори билан дарҳол озод қилади. Қарорнинг кўчирма нусхаси кечиктирмасдан жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга, шунингдек прокурорга юборилади.

Қамоқдан озод қилинаётган ушлаб турилганга ёки қамоққа олинганга унинг шахсий ҳужжатлари, ашёлари, шахсий ҳисобварағида сақланаётган пуллари, шунингдек қимматли қоғозлари ва бошқа қимматликлари, ушлаб турилган ёки қамоққа олинган сақланган муддат ҳамда уни озод қилиш асослари кўрсатилган маълумотнома берилади.

Зарур бўлган тақдирда, қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти қамоқдан озод қилинган шахсни яшаш жойига етиб олиши учун йўл ҳужжатлари ва белгиланган нормалар бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ёхуд тегишли пул компенсацияси, шунингдек жинси ҳамда иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда мавсумий кийим-бош ва пойабзал билан таъминлайди.

**8-боб. Якунловчи қоидалар**

**55-модда. Вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва тергов ҳибсхоналарини молиялаштириш**

Вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва тергов ҳибсхоналарини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**56-модда. Қамоқда сақлаш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат**

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

**57-модда. Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**58-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**59-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 29 сентябрь
№ ЎРҚ—298

---

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*/Давоми. Бошланиши 1-бетда/*

4) **225-модда**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Милиция ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органнинг ходими амалга оширилган ушлаб туриш ҳақида ушланган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб ўн икки соат ичида прокурорга ёзма шаклда хабар бериши шарт»;

**иккинчи**, **учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **учинчи**, **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

5) **228-модда**:

**биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «авахтага» деган сўз «гауптвахтага» деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «кемаларда» деган сўз «денгиз ва дарё кемаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «жазони ижро этиш колонияларида» деган сўзлар «жазони ижро этиш муассасаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи**, **бешинчи** ва **олтинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Ушлаб турилганларни қамоқда сақлаш жойларида сақлаш тартиби ва шарт-шароитлари қонунда белгиланади»;

6) **244-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олинган гумон қилинувчилар ва айбланувчилар тергов ҳибсхонасининг камераларида сақланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд бир жиноят иши бўйича ёки бир неча ўзаро боғлиқ жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчиларни ва айбланувчиларни алоҳида-алоҳида сақлаш тўғрисида тергов ҳибсхонасининг маъмуриятига ёзма кўрсатма беришга ҳақли.

Агар қамоққа олинганлар Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган бўлса, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига кўра тергов ҳибсхонасининг бир кишилик камерасида қамоқда сақлаб турилиши мумкин. Бу чора вояга етмаганларга, олтмиш ёшдан ошганларга, шифокорнинг ёзма хулосаси билан тасдиқланган оғир касалларга ва руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Қамоққа олинганлар вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ўн суткагача сақланиши мумкин. Қамоққа олинганларни тергов ҳибсхонасига олислиги ёки лозим даражадаги қатнов йўллари мавжуд эмаслиги туфайли олиб боришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда, бундай шахслар вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида терговчининг прокурор билан келишилган қарорига, шунингдек прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига кўра ўттиз суткагача сақланиши мумкин.

Қамоққа олинган ҳарбий хизматчилар гауптвахталарда кўпи билан йигирма суткагача, олис жойларда эса, бу эҳтиёт чорасининг бутун амал қилиш муддати мобайнида сақланиши мумкин. Ҳарбий хизматчини гауптвахтада сақлаш муддати ҳарбий судлар томонидан ишни судда кўриб чиқиш вақтига, лекин кўпи билан ўн беш суткага узайтирилиши мумкин. Интизомий қисмга юборишга ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар ҳукм қонуний кучга киргунига қадар гауптвахталарда сақланиши мумкин.

Тергов ҳаракатларини бажариш ёки жиноят ишларини тергов ҳибсхоналари жойлашган аҳоли пунктлари ҳудудидан ташқарида судда кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳолларда, қамоққа олинганларни мазкур ҳаракатларни амалга ошириш ва суд мажлисларини ўтказиш учун ҳар куни олиб бориш имконияти бўлмаганда улар тергов ҳибсхоналаридан вақтинча сақлаш ҳибсхоналарига ўтказилиши, лекин бир ой мобайнида кўпи билан ўн суткага ўтказилиши мумкин. Бундай ўтказиш учун қамоққа олинганни бошқа ерга кўчириш тўғрисидаги терговчининг, прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими асос бўлади.

Башарти маҳкум бошқа жиноят иши бўйича гувоҳ ёки жабрланувчи бўлса, у суд ҳукми қонуний кучга кирганидан кейин жазони ижро этиш муассасасидан тергов ҳибсхонасига ўтказилиши ёки тергов ҳибсхонасида қолдирилиши мумкин. Бу ҳолда маҳкум: Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорларининг, шунингдек уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан уч ойгача муддатга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари розилиги билан олти ойгача муддатга, суднинг ажримига кўра эса иш судда кўриб чиқилиши вақтига тергов ҳибсхонасида сақланиши мумкин.

Бошқа туманда (шаҳарда) турган маҳкум бошқа ерга кўчириш тўғрисидаги терговчининг прокурор билан келишилган қарорига, шунингдек прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига мувофиқ бошқа ерга ўтказилади. Маҳкумни бошқа ерга кўчиришни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус бўлинмалари зиммасига юкланади.

Қамоққа олинганларни қамоқда сақлаш жойларида сақлаш тартиби ва шарт-шароитлари қонунда белгиланади»;

7) **388-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар айбланувчи қамоқда сақланаётган бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар прокурорнинг топшириғига кўра унга қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан улар келиб тушган куни тилхат олиб топширилади, тилхат ҳужжатлар топширилган сана ва вақт кўрсатилган ҳолда судга тақдим этилади»;

8) **475-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар маҳкум қамоқда сақланаётган бўлса, ҳукмнинг кўчирма нусхаси унга қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан ҳукм келиб тушган куни тилхат олиб топширилади, тилхат кўчирма нусха топширилган сана ва вақт кўрсатилган ҳолда судга тақдим этилади»;

9) **538-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бошқа шахс содир этган жиноят ҳақидаги иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб бориш зарур бўлганда жазони ижро этиш муассасасида жазони ўташ шарти билан озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган маҳкум тергов ҳибсхонасига Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан — уч ойгача муддатга, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарларининг розилиги билан эса олти ойгача муддатга ёки иш судда кўрилиши муносабати билан — суд ажримига кўра иш судда кўриб чиқиладиган вақтга қадар ушлаб турилиши мумкин».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар) **210-моддасининг номи** ва **диспозицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«210-модда. Қамоқда сақлаш жойларида, жазони ижро этиш муассасаларида, махсус даволаш-олдини олиш ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларида сақланаётган шахсларга тақиқланган нарсаларни бериш**

Қамоқда сақлаш жойларида, жазони ижро этиш муассасаларида, махсус даволаш-олдини олиш ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларида сақланаётган шахсларга берилиши тақиқланган нарсаларни кўздан кечиришдан яшириб бериш ёки бошқа ҳар қандай усул билан беришга уриниш».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5–6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар) **217-моддасининг ўзбекча матнидаги** «изоляторларида» деган сўз «ҳибсхоналарида» деган сўз билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 29 сентябрь
№ ЎРҚ—299

# Яхши ва ёмон баҳо

## у қонунга муносабатингизга боғлиқ. Чунки қонун беписандликни кечирмайди

**Камолиддин ПАРПИЕВ,**
Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи



Наманган вилоят прокуратураси органлари ҳам қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ва жамият манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун, Бош прокурорнинг соҳавий буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Назорат тадбирларини ўтказишда асосий эътиборни қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш, уларни зудлик билан бартараф этиш, етказилган зарарларни ундириш, жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратмоқдамиз.

Шу билан биргаликда, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорлари ҳамда амалдаги қонунлар ижросини доимий равишда назорат қилиб бормоқдамиз.

Қишлоқ хўжалигига оид ислоҳотларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш, экинлардан мўл ҳосил олиш — тўкин-сочинлик ва фаровонликни таъминлайди. Шу боис ҳам бу масала доимий долзарб аҳамият касб этган. Буни ҳис этган ҳолда иш олиб бораётган фермер ҳамда миришкор деҳқонлар кўзлаган натижаларига эришиб, эл-юрт олдида юзлари ёруғ бўлмоқда.

Мазкур соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Унга кўра, Бош прокуратура ва унинг ҳудудий тузилмаларида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва фермер, деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимлари ташкил этилиб, қўшимча штат бирликлари ажратилган. Энг асосийси, ушбу ҳужжат орқали прокуратура тизимига юксак ишонч билдирилиб, улкан вазифа ва ваколат юклатилган.

Ушбу Фармон ҳамда Бош прокурорнинг 2004 йил 18 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида ходимларимиз томонидан жойларда аграр соҳада доимий текширишлар ўтказиб келинмоқда. Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари (пахта ва ғалла) экиладиган майдонларнинг мониторинги мунтазам юритилиб борилмоқда. Режалаштирилган экин майдонларининг маҳсулот ишлаб чиқарувчилар — фермер хўжаликлари, вилоят ва туманлар томонидан тасдиқланган шартнома мажбуриятларига мувофиқлигини аниқлаш, уларга ер ажратиш борасида қонунчилик ва белгиланган меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартиблар бузилишининг олдини олиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар кўриб борилаяпти. Ерлардан мақсадли фойдаланиш, суғориладиган майдонларнинг муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, сув ресурсларидан ўринли фойдаланиш, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини ўзлаштириш, талон-торож қилишга ва қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлатишда хўжасизликка йўл қўймаслик мақсадида қонунчиликни атрофлича тушунтириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришаяпмиз. Демак, аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва бу борадаги ишларнинг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш айни дамдаги долзарб юмушлардан саналади.

Афсуски, жойларда ўтказилган мониторинглар айрим фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан ердан мақсадсиз фойдаланиш, ерларни талон-торож қилиш каби қўпол қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганидан дарак бермоқда.

Масалан, Поп туманидаги "Турғунбой ота ўғли Абдуқодир" фермер хўжалиги раҳбари М.Инсовалиев 53,4 гектар ер майдонига пахта экиши лозим бўлса-да, 42,6 гектарига пахта, қолган 10,8 гектарига ноқонуний равишда полиз экинлари экиб олган.

Бундан ташқари, мазкур фермер 10,8 гектар ер майдони учун уруғлик чигит, минерал ўғит, нефть маҳсулотларини ҳамда иш ҳақларига банкдан ажратилган 5 млн. 504 минг сўмлик имтиёзли кредитни олиб, бошқа мақсадларда ишлатиб юборган. Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан фермер хўжалиги раҳбари М.Инсовалиевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бу каби кўнгилсиз ҳолатларни Мингбулоқ, Уйчи, Учқўрғон, Косонсой ва Чортоқ туманларида ҳам кузатиш мумкин.

Хусусан, Мингбулоқ туман прокуратураси томонидан ўтказилган мониторингда тумандаги "Камолиддин Абдураҳмон" фермер хўжалиги раҳбари К.Турдалиев 62 гектар пахта экилган майдоннинг 14,7 гектарини ўзбошимчалик билан бузиб, ўрнига полиз экинлари экиб юборгани маълум бўлди.

Албатта, бу каби ўзбилармонликка ҳам қонун йўли билан нуқта қўйилди.

Шуни ҳам эътироф этиш жоизки, вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"-ги Қонуни ижроси юзасидан ҳам доимий прокурорлик назорати ўрнатилган.

Мазкур йўналишда ўтказилган мониторингларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, зовурлар, насос станцияларини таъмирлашга ажратилган бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш каби қўпол қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, бунга йўл қўйган шахсларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди ва жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Жумладан, "Наманганддавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси мансабдор шахслари томонидан 2010 йил апрель ойидан 2011 йилнинг февраль ойига қадар Тўрақўрғон туманидаги "Ёртепасой", "Наҳор", Косонсой туманидаги "Косонсой", Янгиқўрғон туманидаги "Наманганнсой" коллекторлар системасини ва Норин туманидаги "Хўжаобод-2" мелиоратив насос станциясини таъмирлашда 10 млн. 669 минг сўмлик бажарилмаган ишлар "бажарилди" қабилида кўрсатилиб, сохта ҳужжатлар тузиш орқали бюджетнинг катта миқдордаги маблағи талон-торож қилиб юборилган.

Мазкур ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси томонидан "Намангандавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонаси мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, 10 млн. 669 минг сўмлик зарар ундирилди.

Ўтказилган мониторингларда 287 та фермер хўжаликларининг ва сув истеъмолчилари уюшмалари ўртасида сувдан фойдаланиш бўйича шартномалар тузилмагани, 38 та сув истеъмолчилари уюшмаларида сув олдиберди журналларининг юритилмаганлиги, 87 та ҳолатда ерларни кўллатиб суғориш, 131 та ҳолатда сувдан хўжасизларча фойдаланиш, 30 та ҳолатда эса насос трубаларига ўзбошимчалик билан уланиб олиш ҳолатлари аниқланиб, прокуратура органларининг аралашуви билан бартараф этилган.

Сув истеъмолчилари уюшмаларининг 351 млн. сўмлик дебитор ҳақлари ундириб берилди. Шунингдек, 22 та насос станциялари, 31 та насос агрегатлари, 38 та суғориш қудуқлари, 34 та мелиоратив қудуқлар ва 231 та гидропостлар соз ҳолга келтирилди.

Кенг қамровли текширишлар жараёнида пахтачилик, экиш сифати ва ғўза парвариши, сабзавот, полиз ва ем-хашак экинлари қарови, минерал ўғитлар ва нефть маҳсулотлари таъминоти, қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлиги, умуман, унумдорлик ва мўл-кўлчилик омили бўлган барча жиҳатларга жиддий эътибор қаратилди.

Қонун — ҳисобли дунёнинг тошу тарозиси. Хато ёки қонунни бузиш жавобсиз қолмайди. Шундай экан, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи экан, соҳага оид қонунлар ижроси устидан назорат бундан буён ҳам диққат марказимизда бўлади.

# Бугунги кун ва келажак

## у ёш авлодга қаратилаётган эътиборга боғлиқ

***Ўзининг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган табригида Юртбошимиз замонавий таълим тизимини яратиш учун давлатимиз томонидан жуда катта маблағ ва куч-имкониятлар сарфланаётгани, уларнинг ҳажми ва миқдорининг йилдан-йил ошиб бораётгани барчамизга баланд руҳ бағишлаб, эртанги кунга бўлган ишончимизнинг янада мустаҳкамлашини таъкидладилар. Шунингдек, 2012 йилга мўлжалланган асосий кўрсаткичларни тасдиқлаш тўғрисида қабул қилинган қарорга биноан келгуси йилда айни шу мақсадлар учун 527 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфлаш кўзда тутилаётганига эътибор қаратдилар.***

**Равшан МАШАРИПОВ,**
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Мамлакатимизнинг барқарор тараққиётида, халқаро майдондаги обрў-эътиборининг янада юксалишида, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигида ёш авлодга берилаётган таълим-тарбия, уларнинг ижтимоий ҳимояси муҳим ўрин тутади.

Аҳолисининг учдан икки қисмини ёшлар ташкил этувчи Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид сиёсат давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, унинг асосий мақсади — ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир. 1991 йилнинг 20 ноябрида "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилингани, Президентимиз Ислом Каримовнинг 1993 йил 4 мартдаги Фармонига мувофиқ таъсис этилган дастлабки орден — "Соғлом авлод учун" деб номланиши, ҳам Республикамизда ёшлар масаласига бўлган эътибор даражасини кўрсатади.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати миллий қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида-талабларига асосланади. Истиқлол йилларида ёшлар ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликлари белгиланган қонун ҳужжатлари тизими такомиллаштирилди: Конституция ва кодекслардан ташқари бу соҳага оид 22 та қонун, Президентнинг 15 та Фармони ва 11 қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 41 қарори, 32 идоравий-меъёрий ҳужжат амалга киритилган.

Давлат ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш вазифасини зиммасига олар экан, бу вазифа Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда вакиллик, ижроия, суд ҳокимияти идоралари, шунингдек, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг мансабдор шахслари ёшларга оид қонунчилик қоидаларига риоя этилиши учун назарда тутилган тартибда жавобгардирлар.

Таълим соҳасини ривожлантириш, аввалambor, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув муассасаларини қуриш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш борасида қилинган ишларни 2010 йил мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган, капитал реконструкция қилинган.

Ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини янгилаб бориш, замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебел ва ўқув анжомлари билан қайта жиҳозлаш, уларни талаб даражасида сақлаш ҳамда самарали фойдаланиш мақсадида Молия вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма ташкил этилиб, унинг ҳисоб рақамига 2010 йили 315 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлса, 2011 йилда 370 млрд. сўм ажратиш кўзда тутилмоқда.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, биргина ""Баркамол авлод йили" дастурини бажариш учун 8 триллион сўм маблағ сарфланган юртимизда ёшларнинг таълим-тарбияси ва ижтимоий ҳимоясига қай даражада эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

Ёшларга фақатгина мамлакатнинг, жамиятнинг келажаги деб қараш унчалик тўғри бўлмайди. Сабаби, ёшлар ҳар доим жамиятнинг фаол қатлами бўлиб келган. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланган жорий йилда ёшларимизнинг тадбиркорлик фаолиятига янада кўпроқ жалб этилиши кўзда тутилмоқда. Республика Савдо-саноат палатаси мутахассисларининг таъкидлашича, тадбиркорлик субъектлари сони айнан ёшлар ҳисобига ортиб бормоқда. Айни пайтда фаолият юритиб келаётган тадбиркорлик субъектларининг мулкдорлари ва бош менежерларининг 37 фоизи 35 ёшгача бўлган фуқаролардир. Бу ёшларимизнинг жамият ижтимоий муносабатларида янада фаоллашаётганидан далолат беради.

# Истеъмолчи ҳуқуқлари ҳимояси

## сифатли хизмат ва маҳсулот билан таъминлашни тақозо этади

**Равшан ҲАКИМОВ,**
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

***Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳақида сўз борар экан, аввало истеъмолчи атамасига аниқлик киритиб олиш керак. Истеъмолчи деб ўз пулига сотиб олиш ёки муайян қийматга эга бўлган мулкни алмаштириш ва айирбошлаш орқали бошқа бир мулкка эга бўлган шахсга айтилади.***

Истеъмолчининг ҳуқуқи деганда эса, юқорида қайд этилган олди-берди шартномаси туфайли сотувчидан мулкни сотиб олган шахсда шу мулкнинг сифати, сони, таркиби ва бошқа ўзига хос хусусиятларига нисбатан қўйиладиган талаблардан келиб чиққан ҳолда юзага келадиган ҳуқуқлар тушунилади. Бинобарин, ҳар бир фуқаро ниманидир сотиб олар экан, табиий равишда истеъмолчига айланади.

Истеъмолчилар ҳуқуқи билан боғлиқ илк меъёрлар олис ўтмишга бориб тақалади. Соҳибқирон Амир Темур даврида олди-сотди ва хизмат кўрсатиш борасидаги муносабатлар қатъий тартибга солинган. "Темур тузуклари"да қайд этилганидек, золимлар ва нопок одамлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарлар исботини топганида, уларга қилмишига мувофиқ чора кўрилган. Бундан ташқари, буюк бобомиз мағрибдан машриққача чўзилган ва ўзи ҳукмронлик қилган ҳудудлардан ўтадиган карвон йўлларининг бехатар бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратган.

Ушбу масалага эътибор дунё миқёсида савдо-сотиқни ривожлантириш, сотиладиган мулкка ва унинг сифатига бўлган талабларнинг ортиб боришида муҳим аҳамиятга эга эканлиги боис ошиб борган.

XX асрга келиб, истеъмолчилар ҳуқуқлари билан боғлиқ қонунчилик асослари яратила бошланган. 1962 йил 15 мартда истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси давлат томонидан кафолатланишини назарда тутувчи халқаро декларация қабул қилинган. Мазкур ҳужжат жаҳоннинг деярли барча давлатларида расман тан олинган. Айни шу сана истеъмолчилар халқаро куни сифатида тарих саҳифаларидан жой олган.

Мамлакатимизда ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бу борадаги ишлар иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг умумий йўналиши, институционал ўзгаришлар, рақобатни ривожлантириш, шунингдек, уларнинг товарлар, ишлар ва хизматлар бозорида фуқароларнинг иқтисодий аҳволига таъсирини ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилмоқда.

Мамлакатимизда истеъмол сиёсатини амалга оширишнинг қонунчилик асоси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг соғлиғини ҳимоялаш тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Стандартлаштириш тўғрисида"ги ва "Метрология тўғрисида"ги Қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгилаб берилган.

Ўзбекистонда 1996 йил 26 апрелда "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганидан сўнг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига эътибор янада кучайтирилди. Бу борада Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

2011 йилнинг 8 ойи мобайнида мазкур қонун ижроси юзасидан ўтказилган 14 та текширув натижасига кўра аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида йўл қўйилишининг олдини олиш юзасидан 717 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланган. 437 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилган ва 223 кишига нисбатан интизомий, маъмурий ва моддий ҳуқуқбузарликка оид ишлар ҳамда бир қатор жиноят ишлари қўзғатилган.

Масалан, Шайхонтоҳур туман прокуратураси томонидан "Эски Жўва деҳқон бозори" ОАЖда ўтказилган текширишда фуқаро О.Эркаев 75 кг., О.Тоғаев 90 кг., Ш.Нормуродов эса 42 кг. истеъмолга яроқсиз гўштни сотиш мақсадида бозорга олиб киргани аниқланиб, 2011 йил 30 июнь куни туман прокуратураси томонидан уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, Юнусобод туман прокуратураси томонидан "Учинчи қалдирғоч" ва "Хуршид коммунал" ХУЖМШда ўтказилган текширишларда аниқланишича, ширкат мансабдорлари ваколатларини суиистеъмол қилиб, 2011 йил 1 июлгача 63 млн. 889 минг 900 сўм муддати ўтган дебиторлик қарзи пайдо бўлишига йўл қўйиб, ширкат аъзоларининг ҳуқуқларини бузишган.

Сергели туман прокуратураси томонидан "Тошиссиққуввати" ИЧБ Сергели филиалида ўтказилган текширишда корхона иқтисодчиси С.Сахарцева бир гуруҳ ишчилар билан жиноий тил бириктириб, бирламчи тўлов ҳужжатларига сохта маълумотлар киритиш йўли билан истеъмолчилар тўлаган эксплуатация ва жарима тўловларини ноқонуний равишда бошқа манзилда яшовчи фуқароларнинг қарзини қоплаш учун йўналтириб, 7 млн. 276 минг 350 сўм маблағни талон-торож қилганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилган ҳамда айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилган.

"Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига кўра, мажлисда ширкат аъзоларининг эллик фоизидан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қарор қабул қилинган ҳисобланса-да, Чилонзор туман прокуратураси томонидан тумандаги "Умид Шарқ" ХУЖМШда ўтказилган текширишда аниқланишича, ширкатнинг мажлис баённомасида ширкатдаги 6 та кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи кўпчилик фуқароларнинг имзолари мавжуд эмас.

Туман прокуратураси томонидан ширкат бошқаруви раисининг 2010 йил 13 ноябрдаги эксплуатация харажатлари 1 кв. метр учун 240 сўмга оширилганлиги ҳақидаги буйруғини бекор қилиш хусусида 2011 йил 10 мартда киритилган протест қаноатлантирилган ва бу билан 288 та хонадонда истиқомат қилувчи фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Шаҳар прокуратураси органлари томонидан давлат солиқ бошқармаси, СВОЖЖДЛКК Департаментининг шаҳар тизими органлари ҳамда бошқа идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, фуқаролар яшайдиган жойлар, меҳнат жамоалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тизимлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда истеъмолчилар билан мулкий муносабатга киришадиган бошқа муассасаларда истеъмолчининг ҳуқуқлари ва улар бузилган тақдирда қандай йўл тутиш зарурлиги ҳақида тушунтиришлар берилаяпти.

Шунингдек, прокуратура органлари ходимлари мазкур соҳага масъул бўлган муассасаларда тушунтириш ишларини олиб бориш орқали мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш чораларини кўриб келмоқдалар. Ҳисобот даврида 115 дан ортиқ шундай тарғибот тадбири ўтказилди.

Булардан ташқари, шаҳар прокуратураси органлари томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилиши юзасидан мутасадди идораларга киритилган тақдимномаларнинг муҳокамасида ходимларнинг иштирок этиб, маълумот бериши мунтазам таъминланиб келинмоқда.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари ходимлари фуқароларнинг қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилиниши мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуришда катта аҳамиятга эгалигини яхши англаган ҳолда бу борадаги фаолиятини янада фаоллаштириб бораверади.

# Жамият тараққиёти учун

**Дониёр ХАЛИЛОВ,**
«Нидо»

Бундан юз йил аввал ички ёниш двигатели кашф қилиниб, Европа кўчаларида дастлабки автомобиллар, иссиқлик электр станциялари, металлургия саноатининг ишга туширилиши инсоният ҳаётида оламшумул воқеа бўлган эди. Бора-бора буларнинг барчаси янада такомиллаштирилди. Бугунги кунга келиб эса, одамзот ҳаётини замонавий техника воситалари ва энг муҳим жиҳат — ёруғлик манбаисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қадимдан одам оловдан ёруғлик сифатида фойдаланиб келган бўлса, 19-асрнинг бошларига келиб ҳар томонлама қулай ва ихчам бўлган вольфрамли лампочкалар дунё юзини кўрди. Йиллар давомида у янада такомиллаштирилиб, унинг ёруғлик даражаси оширилди. Аммо ҳар бир эришилган ютуқ ортида ўзига хос муаммолар ҳам йиғилаверди.

Жумладан, ана шу лампочкани ёқиш учун электр токи ишлаб чиқаришда табиий бойликлардан фойдаланмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Бироқ, табиий бойлик захираларининг чексиз эмаслиги ва ўз навбатида уни қазиб олиш ҳамда етказиб бериш билан боғлиқ омиллар қимматининг ошиб бориши, муҳими эса, бунинг оқибатида табиатга ҳам жиддий салбий таъсирлар кўрсатила бошланди. Шу боис дунёдаги энг ривожланган давлатлар энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида бонг ура бошладилар. Кейинги йилларда энергоресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш долзарб масалаларидан бирига айланди. Айниқса, бугунги кунда вольфрамли ёритиш тизимидан воз кечиш ва тежамкор тизимга ўтиш зарурати юзага келди. Бунинг энг биринчи ва асосий сабабларидан бири бу мазкур лампаларнинг ортиқча энергия сарф қилиши ва ишлаш вақтининг қисқалигидир.

Буни қарангки, тинимсиз олиб борилган изланишлар ўз самарасини бериб, бу муаммонинг ечими топилгандек бўлди. Яъни, ёритиш қуввати вольфрамли лампалардан бирмунча юқори бўлган ва айни дамда электр энергияни анча кам сарф қиладиган (тежамкорлик 80%, ишлаш муддати 10 баробар ортиқ) лампаларнинг яратилгани бу борада кескин ўзгариш ясади. Дунё стандартларига эътибор қиладиган бўлсак, бугунги кунда Европа давлатларида 100, 75, 60, 40 ва 25 ваттли вольфрамли лампочкалардан аста-секин воз кечилмоқда. Бу каби ҳолат айни пайтда АҚШ, Австралия, Канада ва Жанубий Кореяда тўла йўлга қўйилган. Хитой, Ҳиндистон ва Россия эса буни кенг амалга ошириш устида иш олиб бормоқда.

Хусусан, Россия Федерациясида 2011 йилнинг 1 январидан 100 ваттли лампалар истеъмолдан олиб ташланди. 2014 йилнинг охирига қадар қолган кучланишдаги лампалардан фойдаланишни тўхтатиш тўғрисида дастур ишлаб келмоқда. Ўзбекистон ҳам ҳозирги замоннинг бундай энг илғор ютуқларидан фойдаланиш борасида ортда қолаётгани йўқ. Аксинча, энергия тежовчи бу каби лампочкаларни истеъмолга киритишда маҳсулотни четдан олиб кириш орқали эмас, балки уни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Бошқача қилиб айтганда, қулайлик ва тежамкорликнинг йўлга қўйилиши билан бирга қўшимча иш ўринларининг яратилиши ҳам тадбиркор, ҳам давлат учун иқтисодий наф келтиради. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 июнда қабул қилинган "Энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва улардан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилган.

Эндиликда нафақат бу каби лампалардан фойдаланиш, балки улардан қайта тикланадиган объектларга, шу жумладан, "Қишлоққурилишбанк" акциядорлик-тижорат банки кредитлари ҳисобига қишлоқ жойларда қуриладиган намунавий турар жойларга лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда фақат энергияни тежайдиган лампалардан фойдаланиш лозимлиги назарда тутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга олинган қарорига мувофиқ, мамлакатимизда ихтисослаштирилган корхоналар ёрдамида биргина 2011 йилнинг ўзида 16,67 млн. дона энергия тежовчи лампа ишлаб чиқариш кўзда тутилган. 2012 йилдан эса, хорижий компаниялар билан ҳамкорликда йиллик ишлаб чиқариш қуввати 12 млн. донани ташкил қиладиган энергияни тежайдиган, афзалликлари бирмунча юқорироқ бўлган ёруғлик диод ва люминесцент лампа ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режага киритилган.

Ҳар қандай ютуқнинг ўзига яраша муаммолари ҳам бўлади. Жумладан, энергия тежовчи лампалар электр қувватини чўғланма лампаларга нисбатан бирмунча кам истеъмол қилса-да, уларда симобнинг мавжудлиги масалага жиддий эътибор билан қарашни талаб қилади. Маълумки, очиқ ҳолда қолган ва ўз вақтида эҳтиёт чораси кўрилмаган симоб инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу каби ҳолатларнинг юзага келишининг олдини олиш мақсадида ҳукуматимизнинг жорий йил 21 сентябрда "Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ва уларни утилизация қилишни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Қарорнинг муҳим аҳамиятга молик жиҳати шундаки, унинг талаблари симобли лампалардан фойдаланувчи барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий этиб белгиланди. Яъни, ишлатиб бўлинган лампалар одатдагидек умумий чиқинди ташлаш пунктларига эмас, балки бунинг учун махсус ажратилган, лампаларни шикастлантирмайдиган ва улардаги симобли моддаларнинг ҳавога чиқишига, сув таъминоти манбаларига, тупроққа ва озиқ-овқат маҳсулотларига тушишига йўл қўймайдиган махсус идишда тўплаш орқали амалга оширилади.

Агар симобли лампалардан фойдаланувчи корхона, муассаса ёки ташкилот бўлса, у ердаги бинолардан фойдаланиш хизматлари уларнинг эгаси ёки улар томонидан ваколат берилган ташкилотлар томонидан амалга оширилса, симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ижарага берувчи томонидан амалга оширилади. Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлинган ресурсларини тўплаш ижарачидан қўшимча тўлов ундирмасдан ижарага берувчилар томонидан амалга оширилади.

Шуниси эътиборлики, симобли лампалардан фойдаланувчилар (аҳолидан ташқари) томонидан симобли лампаларнинг айланиши ҳисоби қайд этиладиган дафтар мажбурий тартибда юритилади. Дафтарда муайян давр мобайнида сотиб олинган лампаларнинг сони, фойдаланиладиган жойи ва уларни қабул қилиб олган масъул шахс (цех, участка бошлиғи ёки бошқалар) мажбурий тартибда кўрсатилади. Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлинган ресурсларини утилизация қилишга қайтариш ҳам дафтарда тегишли равишда қайд қилган ҳолда амалга оширилади. Бу каби ишларни юритиш учун симобли лампалардан фойдаланилишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича масъул шахс тайинланади. Масъул шахс ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тайинланади.

Низомда белгиланишича, симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини (ишлаб чиқарувчи корхонадан қатъи назар) қайтарган ҳолда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергияни тежайдиган янги лампани сотиб олишда сотиб олинаётган лампа қийматини 5 фоизга камайтириш тарзида тақдирлаш амалга оширилади.

Бу каби ишларни ҳаётга татбиқ этишдаги асосий эътибор жаҳон стандартларига жавоб берадиган энг замонавий қулайликларни яратиш, ортиқча сарф-харажатга ўрин қолдирмаслик, инсон саломатлигини сақлашдек муҳим масалаларни ҳал этишга қаратилгандир.

# «Миси чиқди»

*Баъзи бир жиноятлар тарихига назар ташласангиз, беихтиёр "миси чиқди" деган ибора ёдингизга келади. Қадимда айрим қаллоб ҳунармандлар бойлик орттириш мақсадида олтиндан ясалиши керак бўлган буюмларни мисдан ясаб, устки қаватига маълум қалинликда олтин суви юритишган ва олтин буюм ўрнида тақдим этишган. Буюм қимматбаҳо, ҳеч ким уни бузиб ёки синдириб кўрмайди. Ҳунарманд-заргарнинг ўғрилиги ана шунга асосланган.*

**Ҳаким ИКРОМОВ,**
Муборак туман прокурори
**Баҳодир ЖАЛИЛОВ,**
туман прокуратураси терговчиси



Борди-ю, буюртмачи буюртманинг соф олтиндан ясалганига шубҳаланса-чи? Тарихда шундай ҳолатлар ҳам бўлган. Қадимги юнон олими Архимедни эсланг. Ҳукмдор ўзи ўтирган тахтнинг нимадан ясалганлигини, унга шикаст етказмай аниқлашни Архимедга топширади. Олим узоқ ўйлайди ва ниҳоят ваннада чўмилаётиб, ҳар қандай буюмга шикаст етказмай унинг нимадан ясалганлигини аниқлаш усулини топади-да, "Эврика!" деб ҳайқирганча ўрнидан туради. Энди олим тахтни сувга ботириб кўриб, у соф олтинданми ёки ички қаватлари бошқа металданми, буни аниқ айтиб бериши, хуллас, қалбаки ишнинг "мисини чиқариши" мумкин эди. Демак, қаллобларнинг қилмиши бир кун эмас, бир кун очилади.

Судланувчи Холмонов Қаҳрамон 1995 йил февраль ойидан бошлаб "Муборак газни қайта ишлаш заводи" унитар корхонасида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи вазифасида ишлаб келиб, катта миқдордаги ўзганинг мулкини талон-торож қилади. Узоқ давом этган бу жараёнда у бир қанча трансформатор, насос, трактор, комбайн, электродвигатель каби кўплаб техника воситаларининг "тагига сув қуяди". Кўриниб турибдики, ўғирланган ёки ўғирлаш мақсадида кимларгадир бериб юборилган (албатта, текинга мушук ҳам офтобга чиқмайди) нарсалар игна эмас, туя ҳам эмас, балки айримлари ҳажми жиҳатидан туядан ҳам катта! Наҳотки, бирга ишлайдиган кишилар буни пайқашмаса?! Эй биродар, трансформаторни қаерга олиб кетаяпсан? Ахир, бу давлат мулки-ку, дейдиган киши, наҳотки топилмаса?

Судда гувоҳлик берувчи Суюн Ҳожиев ҳам мазкур корхонанинг ҳисобхонасида бош мутахассис бўла туриб, ўша жойда, яъни "Муборак газни қайта ишлаш заводи" унитар корхонасида ёнма-ён ишлайдиган кишининг узоқ йиллар давомида қилиб юрган қинғирликларидан бехабар қолган эмиш.

У судда, жумладан, шундай дейди: "Муборак газни қайта ишлаш заводи"га қарашли "Мустақиллик" боғи 1996 йилда ташкил топган эди. Шу боғнинг шийпонига электр энергияси бериш учун трансформатор ўрнатилди. 2005 йилда шу трансформаторни судланувчи Қаҳрамон Холмонов бошқасига алмаштираман, деб олиб кетган экан, мен буни 2010 йил июнь ойида билдим".

Замондошимизнинг "ҳушёр"лигига тасанно айтмай иложимиз йўқ. Трансформатор игна эмаски, кўзга ташланмаса! Бу лоқайдликми ёки...

Завод майдонидан трансформаторнинг йўқолгани орадан роппа-роса беш йил ўтгандан кейин билинибди. Ҳушёрликни қаранг!

Қаҳрамон Холмонов ўз тажрибасида шунга амин бўлдики, атрофдаги кишиларнинг парвойи фалак. Ўғирласа бўладиган ашёлар эса кўп. Шундан кейин у ўзининг жавобгарлигида бўлган бир дона, нархи 4 млн.дан зиёд турадиган насосни ўзлаштирди.

Судда ўзининг айтишича, баҳоси 9 млн.дан ортиқ бўлган комбайн фойдаланиш учун "Ғани бобо" фермер хўжалигига бериб юборилган. Лекин фойданилмаган. Комбайн далада қаровсиз қолиб, яроқсиз ҳолга келган, эҳтиёт қисмлари олиб кетилган. "Бунга ҳам менинг эътиборсизлигим сабаб", дейди ўз кўрсатувида Қ.Холмонов.

Бу ҳолатда кўплаб саволлар туғилади. Комбайн нима учун бериб юборилди? Ёки сотилдими? Нега у қаровсиз далада қолиб кетди? Ундаги эҳтиёт қисмларни кимлар олиб кетди? Нима сабабдан фермер хўжалиги бутун бошли, нархи 9 млн. 113 минг 669 сўмлик техника воситасини олиб кетади-ю, уни ўз ҳолига ташлаб қўяди?

Баҳоси 2 млн.дан ортиқ бўлган Т-4 тракторини айтмайсизми! Бу "бечора"нинг ҳам бошига комбайннинг куни тушди. Эҳтиёт қисмлари ечиб олиб кетилди ва яроқсиз ҳолга келтирилди.

Ҳар бир донаси 1 млн. 625 минг 207 сўмлик электродвигатель қани? Бир дона КТП — 160/10 трансформатори, яна бир дона 651 982 сўмлик электродвигатель, 2 млн. сўмдан қиммат нархга эга бўлган трансформатор, 440 240 сўмлик яна бошқа трансформаторнинг ҳоли нима кечди?

Бундай саволларга бериладиган жавобни Қаҳрамон Холмонов миясида пишитиб қўйган эди. Бу табиий ҳол. Дастлабки терговларда ва пировардида суд қаршисида туриб жавоб бериш осон иш эмас. Шунинг учун ҳам қилмишларининг барчасини обдон ўйлаши керак. Қ.Холмонов ҳам ўйлаб-ўйлаб "эътиборсизлик қилибман", деган жавобда тўхталди. Комбайн ҳам, трактор ҳам, трансформатор ҳам унинг айтишича, эътиборсизлик туфайли талон-торож қилинган эди.

"Электродвигатель олаётганда эътибор бермай 18,5 квт. ўрнига 7,5 квт. қувватга эга бўлганидан олган эканман", дейди судда Қ.Холмонов. "Мустақиллик" майдонидаги трансформаторнинг ўзлаштирилиши масаласида ҳам унинг жавоби тайёр: "Муборак газ УШКга қарашли ЭХЗ цехи ходимлари келиб, - дейди Холмонов терговда, - трансформатор ноқонуний улаб олинганини айтиб, олиб кетишди. Бу ҳақда раҳбариятга хабар қилмабман, содир қилган ишимдан чин кўнгилдан пушаймонман, етказилган зарарни тўлиқ қопладим. Шуни ҳисобга олиб қонуний енгиллик беришни сўрайман".

Етказилган зарар 25 млн. 235 минг 867 сўм эди. Фуқаровий даъвогар Д.Шеров судда "Муборак газни қайта ишлаш заводи" унитар корхонасининг судланувчи Холмонов Қаҳрамонга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдирди. 2010 йил 27 май куни ўтказилган текширувда Қ.Холмоновнинг жавобгарлигида бўлган ва шу шахс томонидан талон-торож қилинган барча техника воситаларининг зарари тўланганлигини маълум қилди. Жиноят ишлари бўйича Муборак туман суди унга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Хулоса шуки, ишнинг "миси чиқди". Қ.Холмоновнинг ҳамкасблари, бир жамоада биргаликда меҳнат қилаётган кишилар ҳушёррок бўлганларида ўзганинг катта миқдордаги мулки талон-торож қилинмаган ва жиноятнинг олди олинган бўлар эди.



# «Ваъдабоз» ҳамкор

**Дилшод ПАРДАЕВ,**
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

У "фалончи пистончига шунча пул берибди-ю, қайтариб ололмабди. Пистончи бир танишига қарз берган экан, ҳозиргача пулини қайтариб олмабди", деган гапларни кўп эшитарди-ю унча аҳамият бермасди. Буни қарангки, бугун ўзи ҳам ўшаларнинг қаторига қўшилиб ўтирибди. Йўқса, уларнинг устидан кулмаган эди. Назарида, доимо ўз ишига пишиқ-пухта эди. Начора, соддалиги ҳали ҳам қолмаган экан. Ўшанда танишининг гапига кириб, даромадимга яна даромад қўшилса зарар қилмас, деган ниятда унинг таклифига қандай қилиб "хўп" деганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Фирмамнинг ишлари ёмон эмас, — дея оғиз кўпиртирган эди ўшанда таниши М.Атаджанов, — МЧЖнинг таъсисчисиман. Куним баҳоли қудрат ўтиб турибди. Ундан ташқари, яхши бир режам бор. Аммо жудаям зўр. Агар амалга оширсам, пулнинг ўзи оқиб келарди...

— Қанақа иш экан? Билсак бўладими?

— Чет элдан "қон тозаловчи тиббий ускуна"лардан иккитасини олиб келмоқчиман. Ўшаларни ишга қўйсам эди... Биласизми, бизда уларга эҳтиёж жудаям катта. Хуллас, шунақа режа тузиб қўйганман. Айтмоқчи, хоҳласангиз, сизниям шерик қилишим мумкин?

— Қанақа қилиб?

— Бунинг йўли осон. Аввало, сизни ҳам фирмага иккинчи таъсисчи қилиб расмийлаштираман. Кейин... шу маблағ масаласи "проблема" бўлиб турибди-да, ўшанинг иложини топсам, ишлар юришиб кетарди. Мабодо, имкониятингиз бўлса, шундан ёрдам беролмайсизми? Даромаднинг тенг ярми сизники бўларди... Қисқача қилиб айтганда, ҳамкор бўламиз. Хўш, нима дедингиз?

— Таклиф учун раҳмат. Ускуналарнинг нархи қанча экан?

— Э-э, арзимаган, биттаси кўкида 20 мингдан. Иккитаси бор-йўғи 40 минг бўлади.

— 40 минг доллар арзимаган пулми? Оғзингизнинг бир четидан чиқиб кетади-я?! Бу пулни топишнинг ўзи бўладими? Аммо бир ўйлаб олса бўладиган иш экан.

— Нимасини ўйлайсиз? Сизга ҳозиргина айтдим-ку, агар эсон-омон олиб келсам, ана унда кўрасиз. Аммо айтиб қўяй, кейин кеч бўлади.

Хуллас, М.Атаджанов у деди, бу деди, ахийри М.Муҳитдиновни кўндирди. Орадан бир ҳафтача вақт ўтгач, М.Муҳитдинов қариндоши билан бир танишининг қўлига айтилган миқдордаги пулни бериб, М.Атаджановнинг ҳузурига жўнатди. М.Атаджанов пулларни олган заҳоти унга қўнғироқ қилиб, пуллар қўлига теккани, шу бугуноқ ишга киришишини айтиб, миннатдорчилик билдирди. М.Муҳитдинов бўлса, анча-мунча фойда келтирадиган янги режага шерик бўлганидан қувонганча, ўз ишлари билан андармон бўлиб кетди.

Орадан кунлар, ойлар ўтди. Бироқ, М.Атаджанов ваъда қилган ускуналардан дарак йўқ эди. Кўнглига хавотир тушган М.Муҳитдинов икки-уч марта М.Атаджанов билан учрашди. У бўлса, яна озроқ кутиш кераклигини, бу иш осонлик билан амалга ошмаслигини айтиб, уни хотиржам қилди.

Бу орада қиш, баҳор ўтиб, ёз бошланса-да, на ускунадан, на пулдан дарак бор эди. Тоқати тоқ бўлган М.Муҳитдинов ахийри М.Атаджановга қўнғироқ қилди.

— Мен сизни тушунолмай қолдим. Ўтган йили катта ваъдалар берган эдингиз, натижаси қани? Бир оғиз гапингизга ишониб, оз эмас, кўп эмас, нақ 40 минг долларни қўлингизга тутқазган эдим. На ускунани кўрдим, на пулни қайтардингиз... Сабрнинг ҳам чеки бўлади, устингиздан арз қилмасам бўлмайдиганга ўхшаб қолди. Энди ўзингиздан кўринг...

— Ахир сиздан пул олганимни инкор қилаётганим йўқ-ку! Ускуналарни ҳақиқатдан ҳам олиб келдим, аммо аксига олиб, иш юришмай турибди. Энди сотмоқчиман. Шунинг учун яна озроқ сабр қилиб туринг. Агар хоҳласангиз, пулни олганлигим ҳақида тилхат ёзиб бераман.

Шундай қилиб, М.Атаджанов М.Муҳитдиновдан 40 минг АҚШ доллари миқдорида пул олгани-ю, шу маблағни 2 минг доллар фойдаси билан август ойигача қайтариб беришни кўрсатиб, тилхат ёзиб берди. Начора, М.Муҳитдинов яна кутишга рози бўлди.

Август ўтиб, сентябрь ойи бошланганда М.Муҳитдинов М.Атаджановни ўз офисига чақириб, ускуналар ҳақида сўради.

М.Атаджанов бу сафар ҳам ундан узр сўраб, ускуналарни ҳалигача сотмаганини баҳона қилиб, яна муҳлат сўраган эди, М.Муҳитдинов кўнмади. М.Атаджанов ҳозирча унинг фирмасига 35 миллион сўмни гаров сифатида ўтказиб беришини айтиб, уни анча-мунча ҳовуридан туширгач, ғойиб бўлди.

Бироқ, орадан яна бир йилга яқин вақт ўтди ҳамки, М.Атаджанов сўзининг устидан чиқмади. М.Муҳитдиновдан ўзини олиб қочиб юриб, қўнғироқларига ҳам жавоб бермади. Шундан кейингина М.Муҳитдинов тегишли органларга мурожаат қилишга мажбур бўлди...

# Бозорнинг ҳам дарвозаси бор

*Бозор ҳамма учун очиқ. Унда деҳқон, соҳибкор, боғбон ёки оддий фуқаро ўзи тайёрлаган, етиштирган, ишлаб чиқарган маҳсулотини пештахта устига қўйиш ва бозор кўтарган нархда сотиш ҳуқуқи ҳамда имкониятига эга.*

**Феруза СУВОНОВА,**
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори
**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
«Huquq»

Демак, пештахталар қанчалик тўкин бўлса, шунча яхши. Бозорга маҳсулот олиб киришда миқдор ёки меъёрга нисбатан чеклашларга йўл қўйилмайди. Аммо бу бозор бедарвоза дегани эмас. Унинг ҳам ўз қонун ва қоидалари бор. Жумладан, ноқонуний йўллар билан топилган, орттирилган ёки ишлаб чиқарилган экологик зарарли, санитария талабларига жавоб бермайдиган, истеъмолга яроқсиз, бир сўз билан айтганда, инсон соғлиғига зиён етказадиган маҳсулотлар учун бозор "дарвоза"си берк.

Шунга қарамай айрим кишилар ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб, фойда ортидан қувганча, истеъмолга яроқсиз маҳсулотларни бозорга олиб кириш ва сотиш пайида бўладилар.

Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси вилоят бўлимининг ходимлари томонидан ўтказилган тадбирларда бозорларимиздаги ана шундай камчиликлар яққол кўзга ташланиб қолмоқда. Жумладан, Китоб туманидаги "Озиқ-овқат деҳқон бозори"да ўтказилган текширишда айрим кимсаларнинг истеъмолга яроқсиз маҳсулотларни бозорда сотаётганликлари маълум бўлди.

Фуқаро Миржаҳон Набиев бозорда пахта ёғи сотиб турарди. Олдида турли ўлчамдаги идишларда қадоқланмаган пахта ёғи. У маҳсулотни бозорнинг орқа кўчасида тасодифий учраган, ўзи танимайдиган, шахси номаълум кишидан олганлигига иқрор бўлди. Миржаҳон қўлбола пахта ёғини ўша нотаниш кишидан ҳар литрини 2900 сўмдан харид қилгач, бозорга олиб кириб, 3500 сўмдан пуллашга киришган ва 2 литр ёғни 7 минг сўмга сотишга улгурган эди (ёғ аслида килограмм ҳисобида сотилиши керак).

ДСИ ходимларининг талабларига жавобан Миржаҳон ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмади. Ёғ истеъмолга яроқсиз эди. ДСИ ходимлари 82 литр пахта ёғи ва 7 минг сўм пулни холислар иштирокида ҳужжатлаштириб олиб қўйишди.

Жиноят ишлари бўйича Китоб туманида судининг очиқ суд мажлисида Миржаҳон Набиевнинг қилмишига оид жиноят иши кўриб чиқилди. Суд ҳужжатларида қайд этилишича, Миржаҳон ҳали ёш, 1990 йилда туғилган. Унинг айни билим оладиган, ишлайдиган, жамиятга фойда келтирадиган даври. Аммо бу ёш йигит тўғри йўлдан адашиб, ноқонуний йўллар билан савдо қилишни афзал кўрди ва пировард натижада қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлиб турибди.

Шунингдек, Деҳқонобод туманидаги "Обиравон" ҚФЙга қарашли Бойқўрғон қишлоғида яшовчи фуқаро Розия Авазова ҳам бозорда ёғ сотиш билан шуғулланарди. 2011 йил 14 март куни ДСИ ходимлари томонидан Деҳқонобод "Озиқ-овқат деҳқон бозори" МЧЖга қарашли "Бойқўрғон" деҳқон бозори кўздан кечирилганда, Розия Авазова сотаётган маҳсулотнинг истеъмолга яроқсизлиги маълум бўлди. Бунинг устига Р.Авазова қўлбола пахта ёғини қадоқланмаган ҳолда, белгиланмаган савдо жойида сотар ва ҳеч қандай ҳужжатга эга эмасди. Унинг ҳатто савдо фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи ҳужжати ҳам йўқ эди.

Судланувчи Р.Авазова Ғузор туманида жойлашган "Озиқ-овқат деҳқон бозори"дан 60 килограмм ёғнинг ҳар бир литрини 4400 сўмдан истеъмол қилиш учун сотиб олгани, аммо рўзғор қийинчиликлари туфайли энди уни сотаётгани, ёғнинг истеъмолга яроқсизлигини билмаганлигини маълум қилди.

Ноқонуний йўл билан савдо қилувчилардан яна бири Салима Шаймардонова судда айбига тўлиқ иқрорлик билдирди ва қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, ҳақиқатдан ҳам "Бойқўрғон деҳқон бозори"да ёғ сотиш билан шуғулланиб турганида ДСИ ходимлари унинг олдига келиб, маҳсулот ҳужжатини сўраганларида бирон-бир ҳужжат кўрсата олмаганлигини тан олди.

Ноқонуний савдо билан шуғулланиб, сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз маҳсулот сотишни ўзларига касб қилиб олган Р.Авазова ҳамда С.Шаймардонова судда ўз қилмишларидан пушаймон эканликларини билдирдилар.

Рўзғор тебратишнинг ўзи бўлмайди. Лекин инсон ҳар қандай вазиятда ҳам ҳалол меҳнат қилишга одатланиши керак. Қинғир йўл қачон бўлмасин ва қанча давом этмасин, унинг охири пировард натижада инсонни бахтсизликка дучор этади.

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Навоий вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори, Навоий вилояти, Навбаҳор туман ҳокимининг 2010 йил 18 апрелдаги 232-сонли, 2010 йил 16 декабрдаги 1111-Қ, 1112-Қ 1113-Қ, 1114-Қ сонли, Қизилтепа туман ҳокимининг 2011 йил 12 апрелдаги Қ-4/197-сонли 2010 йил 10 октябрдаги Қ-10/661, Қ-10/663-сонли, Хатирчи туман ҳокимининг 2011 йил 15 январдаги Қ-336-сонли ҳамда Зарафшон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 30 майдаги 251-Қ сонли қарорлари ҳамда Давлат мулкини бошқариш қўмитасининг Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг 19.09.2011 йилдаги 50-П-сонли буйруқларига асосан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер майдонларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларга чиқарилмоқда:**

1. Навбаҳор туман "Арабсарой" ҚФЙ "Совунгар" МФЙ ҳудудидан уй-жой қуришга 400 кв.м. ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун 200 кв.м., жами сатҳи 600 кв.м. бўлган 1-сонли ер майдони. **Бошланғич баҳоси — 188 640 сўм.**

2. Навбаҳор туман "Туркистон" ҚФЙ "Қизилработ" МФЙ ҳудудидан уй-жой қуришга 400 кв.м. ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун 200 кв.м., жами ҳар бир сатҳи 600 кв.м.дан 5 дона (1,2,3,4,5-сонли ) ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 188 640 сўмдан.**

3. Навбаҳор туман "Сармиш" ширкат хўжалиги "Олчин" маҳалласи ҳудудидан уй-жой қуришга 400 кв.м. ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун 200 кв.м., жами ҳар бир сатҳи 600 кв.м.дан 2 дона (1 ва 5-сонли ) ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 74 400 сўмдан.**

4. Навбаҳор туман "Кескантерак" ҚФЙ "Янги ҳаёт" маҳалласи ҳудудидан уй-жой қуришга 400 кв.м. ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун 200 кв.м., жами ҳар бир сатҳи 600 кв.м.дан 2 дона (1 ва 2-сонли ) ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 235 800 сўмдан.**

5. Навбаҳор туман "Олчин" ҚФЙ "Меҳнат" маҳалласи ҳудудидан уй-жой қуришга 400 кв.м. ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун 200 кв.м., жами сатҳи 600 кв.м. бўлган 3-сонли ер майдони. **Бошланғич баҳоси — 235 800 сўм.**

6. Хатирчи тумун, "Хонақа" ҚФЙ "Олтинобод" МФЙ ҳудудидан уй-жой қуришга 400 кв.м. ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун 200 кв.м., жами ҳар бир сатҳи 600 кв.м.дан бўлган, жами 10 дона (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10) ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 252 000 сўмдан.**

7.Қизилтепа туман "Хўжа Хасан" ҚФЙ "Ўртақўрғон" маҳалласи ҳудудидан уй-жой қуриш учун 200 кв.м. бўлган 1-сонли ер майдони. **Бошланғич баҳоси — 60 000 сўм.**

8.Қизилтепа туман "Бўстон" ҚФЙ "Гойбон" маҳалласи ҳудудидан уй-жой қуришга 400 кв.м. ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун 200 кв.м., жами сатҳи 600 кв.м.дан бўлган 1-сонли ер майдони. **Бошланғич баҳоси — 180 000 сўм.**

9. Қизилтепа туман "Гумбаз" маҳалласи ҳудудидан уй-жой қуришга 400 кв.м. ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун 200 кв.м., жами ҳар бир сатҳи 600 кв.м.дан бўлган (1 ва 2-сонли) ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 180 000 сўмдан.**

10. Зарафшон шаҳар 19-кичик туман ҳудудидан ҳудудидан уй-жой қуришга 400 кв.м. ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун 100 кв.м., жами ҳар бир сатҳи 500 кв.м.дан бўлган 6 дона (271, 272, 273, 277, 278, 288-сонли) ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 84 600 сўмдан.**

**Аукцион савдоси 2011 йил 7 ноябрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.**

**Талабгорлар диққатига! Мазкур ер майдонлари 2011 йил 7 ноябрдаги савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2011 йил 28 ноябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдога ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.**

Мазкур ер майдонлари бўйича аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2011 йил 1 ноябрь куни соат 18:00да тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун буюртманомалар шанба ва якшанба (байрамлар)дан ташқари ҳар куни соат 18:00 га қадар қабул қилинади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТ "Ипотека-банк" Навоий филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20200800504920609007. МФО: 00205, ИНН: 207122519.

Қўшимча маълумотлар учун "савдо ташкилотчиси" — "Кўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖ Навоий вилоят филиалининг манзили: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уй, 1-қават. Тел: 8 (436) 224-44-01. 224-64-31. Лицензия: RR-0001.

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Ангор туман ҳокимининг 2011 йил 26 августдаги 975 ва 976-сонли қарорлари ҳамда Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Сурхондарё ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 22 сентябрдаги 51-од-сонли буйруғига асосан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер майдонларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларига чиқарилмоқда:**

1. Ангор тумани, "А.Навоий" ҚФЙ, "Деҳқонбирлашув" маҳалласи ҳудудидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 800 кв. метрдан иборат (1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15, 16,17,18,19,20, 21,22 ва 23-сонли) 23 дона ер майдонлари. **Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 48 000 сўмдан.**

2. Ангор тумани, "Истиқлол" ҚФЙ, "Янги турмуш" маҳалласи ҳудудидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳажми 700 кв. метрдан иборат (1-сонли) 1 дона ер майдони. **Ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 210 000 сўм.**

**Очиқ аукцион савдолари 2011 йил 1 ноябрь куни соат 11:00 да Сурхондарё вилояти, Ангор тумани ҳокимияти мажлислар залида ўтказилади.**

Мазкур ер майдонлари бўйича аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2011 йил 28 октябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

**2011 йил 1 ноябрь куни ўтказилган очиқ аукцион савдосида сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 9, 16 ва 23 ноябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.**

Тарорий очиқ аукцион савдоларига ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун буюртманомалар шанба ва якшанба (байрамлар)дан ташқари ҳар куни 18:00га қадар қабул қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Термиз туман ҳокимининг 2011 йил 31 августдаги 684-сонли қарори ҳамда Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Сурхондарё ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 22 сентябрдаги 51-од-сонли буйруғига асосан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер майдонларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларига чиқарилмоқда:**

1. Термиз тумани, "Учқизил" ҚФЙ, "Янги ҳаёт" маҳалласи ҳудудидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 600 кв.метрдан иборат (1,2-сонли) 2 дона ер майдонлари. **Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 90 000 сўмдан.**

**Очиқ аукцион савдолари 2011 йил 2 ноябрь куни соат 11:00 да Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, Тадбиркорлар маркази биносида ўтказилади.**

Мазкур ер майдонлари бўйича аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2011 йил 28 октябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

**2011 йил 2 ноябрь куни ўтказилган очиқ аукцион савдосида сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 10 ва 17 ноябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.**

Такрорий очиқ аукцион савдоларига ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун буюртманомалар шанба ва якшанба (байрамлар)дан ташқари ҳар куни 18:00га қадар қабул қилинади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ер майдони бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "KMSX" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиалининг қуйидаги АТБ "Савдогар-банк" Музработ филиали Термиз шаҳар мини банкидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000204920609017, МФО 00336, СИТР 207122519.

Қўшимча маълумотлар учун "Савдо ташкилотчиси" — "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг манзили: Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, 2-қават. Телефонлар: 8(376) 227-57-94, rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001.

Спорт

# Шамолда совурилган имкониятлар




*Кутилмаганда ҳавонинг инжиқлиги тутиб, шамол турди-ю, чанг-тўзон бошланиб кетди. Соат 19:00да бошланиши керак бўлган ОФК кубогининг ярим финал баҳси, яъни "Насаф" ва "Ал-Виҳдат" жамоалари ўртасидаги ўйин Қарши шаҳридаги ноқулай об-ҳаво сабабли кечроқ бошланди.*

Учрашув бошланганида шамол туфайли кўтарилган чанг-тўзон майдонни гўё тумандай қамраб олган эди. Ҳеч нарсадан хабари бўлмай, экран қаршига ўтирган томошабинлар Қаршини туман қоплабди, деган хаёлга борган бўлишлари табиий. Бироз кечикиб бўлса-да, орзиқиб кутилган ўйин бошланди. Бутун Ўзбекистон шу кеча "аждарлар"га мухлислик қилгани аниқ. Сабаби халқаро майдонда биргина "Насаф" мамлакатимиз шаънини ҳимоя қилмоқда. Бундан ташқари, қаршиликлар ўзбек клублари орасида биринчи бўлиб, ОФК кубогининг ярим финалига етиб келишди. Ўйин анча шиддатли ва курашларга бой бўлди. Ҳавонинг ноқулайлиги ҳам ўйиннинг чиройига соя сола олмади. Ҳар иккала жамоа ўзининг энг чиройли ўйинини намойиш қилишга интилди ва айтиш мумкинки, бунинг уддасидан ҳам чиқди.

Қарши ҳужум тактикасини танлаган иорданияликлар ўйиндаги илк хавфли ҳужумни уюштиришди. Бурчак зарбасидан сўнг иорданияликлар 2 марта дарвоза томон зарба йўллашди. Ҳар сафар зарба йўлига ҳимоячиларимиз ғов бўлишди.

Майдон эгалари ҳаяжонни босиб олишлари учун 15 дақиқа керак бўлди. 16-дақиқада Иван Бошкович жарима майдончаси ичида тўпни кўкраги билан қабул қилиб олди. Аммо дарвоза тескари ҳолатда бўлгани учун зарба беришга улгурмади. Орадан 7 дақиқа ўтиб, "Насаф" гол уриш учун ажойиб имкониятга эга бўлди. Жиямуродов ўнг қанотдан тўпни ерлатиб жарима майдончасига етказиб берди. Тўпни қабул қилиб олган Шомуродов дарвоза томон кучли зарба берди. Тўп эса дарвоза устунига тегиб қайтди ва яна Илҳомнинг ўзига келди. Ҳужумчимиз тўпни очилаётган Мирзакамолга етказиб берди. Камоловнинг пасидан сўнг Геворкян бош билан берган зарбасини дарвозабон эгаллаб олди.

Учрашувнинг 27-дақиқаси ўтиб бораётганда Боян Малишич қўпол хатога йўл қўйди. "Ал-Виҳдат" футболчисининг чап қанотдан узатиб берган тўпини тепиб юборишда нўноқлик қилди. Унинг ортида турган иорданиялик ҳужумчининг зарбасини эса Зуҳуров майдон ташқарисига чиқариб юборди. Бурчак зарбасидан кейинги вазият бундан ҳам таҳликали бўлди. Ҳимоячиларимиз тўпни ўз жарима майдончаларидан узоқлаштиришга анча қийналишди. Бахтимизга меҳмонлар ҳам дарвоза томон зарба бера олишмади.



Ўйиннинг 36-дақиқасига келиб, "Насаф" ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Аммо қанот ҳаками Лутфулла Тўраевни ўйиндан ташқари ҳолатда деб топди. Шундан сўнг ҳам майдон эгалари рақиб дарвозасини ишғол қилиш учун астойдил ҳаракат қилишди. Бу биринчи бўлим сўнггида ўз натижасини берди. Бўлим тугашига 1 дақиқа қолганида меҳмонлар ўз жарима майдонлари ичида Иван Бошковичга нисбатан кескин ўйнашди ва учрашув ҳаками 11 метрлик жарима зарбаси белгилади. Пенальтини Жаҳонгир Жиямуродов аниқ амалга ошириб, жамоасини олдинга олиб чиқди. Шу тариқа, қаршиликлар танаффусгача ҳисобни очишга муваффақ бўлишди.

Иккинчи бўлимда хавфли вазиятлар у қадар кўп бўлмади. Тўп асосан майдон марказида бўлди. Фақатгина 84-дақиқада Жаҳонгир Жиямуродовнинг 20 метрдан йўллаган зарбаси ўта кучли ва аниқ чиқди. Аммо "Ал-Виҳдат" дарвозабони тўпни эгаллаб олишга муваффақ бўлди. Қолган дақиқаларда эса ташаббус "аждарлар" томонида бўлса ҳам, яққол голга тортадиган вазиятни юзага келтира олишмади.

Гуруҳ баҳсларини ажойиб ўтказган "Насаф" футболчилари негадир кейинги босқичларда ўзларига ўхшашмаяпти. Аввалига "Чонбури" жамоасига қарши ҳар икки ўйинда катта қаршиликка дуч келишган эди. Ҳатто ўз майдонларида имкониятни бой бериб, пенальтилар сериясидагина рақибларини доғда қолдиришганди. Ярим финалнинг биринчи учрашуви ҳам жуда оғир кечди. Тўғри, бу рақиб жамоаларнинг гуруҳдагилардан кўра анча кучли эканлигидан далолат беради. Бироқ "аждарлар"нинг ҳам ўйини гуруҳ баҳсларидагидек шиддатли эмас. "Чонбури"га қарши кечган жавоб учрашувида бутун ўйин давомида ташаббусга эга бўлган "Насаф" футболчилари 120 дақиқа давомида рақиб дарвозаси томон йўл топа олишмаган эди. Ҳужумлар бир хил усулда, ўнг ёки чап қанотдан ҳаволатиб, жарима майдонига етказиб бериш орқали ташкиллаштирилди. Буни яхши уқиб олган рақиб ҳимоячилари "аждарлар"нинг ҳужумини қайтаришда деярли муаммога дуч келишмади. "Ал-Виҳдат" билан бўлган ўйинда эса ҳар икки қанотда ҳаракат қилган Мирзакамол Камолов ҳамда Артур Геворкянлар бирор марта ҳам жарима майдонига тўп етказиб беришнинг уддасидан чиқа олишмади. Қаршиликларга ҳар икки ўйинда ҳужум ташкил қилишда хилма-хиллик етишмаяпти. Буни жамоанинг тажрибали бош мураббийи Анатолий Демьяненко жуда яхши кўриб турган бўлсак керак. Умид қиламиз, ОФК кубогининг ярим финал жавоб учрашувида бу муаммолар бартараф этилиб, ижобий натижага эришилади. Эслатиб ўтамиз, жавоб ўйини 18 октябрь куни Аммон шаҳрида бўлиб ўтади.

***ОФК КУБОГИ. ЯРИМ ФИНАЛ.*** Биринчи учрашув.
**"НАСАФ" (Ўзбекистон) - "АЛ-ВИҲДАТ" (Иордания)** - 1:0
**Гол:** Жаҳонгир Жиямуродов 45-пен.

# Ўсмирларимизнинг йирик ғалабалари




Октябрь ойи терма жамоаларимиз учун ғоят масъулиятли ўйинларни тақдим этадиган кўринади. Бош терма жамоамиз 11 октябрь куни жаҳон чемпионатига саралаш баҳсида меҳмонда Шимолий Кореялик футболчиларга қарши майдонга чиқади. Олимпиячиларимиз эса Лондон-2012 йўлидаги жиддий ўйин олдидан 7 октябрь куни Жанубий Корея олимпиячилари билан ўртоқлик учрашувини ўтказади.

3 октябрь куни Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам Осиё чемпионатига саралаш ўйинларини йирик ғалаба билан бошлади. Хабарингиз бор, "С" гуруҳининг саралаш баҳсларига пойтахтимиз Тошкент шаҳри мезбонлик қилмоқда. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси илк учрашувни Қирғизистон ўсмирларига қарши ўтказиб, йирик 7:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Биринчи бўлимнинг ўзида рақиблари дарвозасига 5 та гол киритган ўсмирларимиз, иккинчи бўлимда бироз бўшашиб қолишди. Натижада иккинчи бўлимда қирғизистонликлар дарвозаси 2 марта ишғол этилди, холос.

**ЎЗБЕКИСТОН-ҚИРҒИЗИСТОН 7:0 (5:0)**

Ўсмирларимиз иккинчи учрашувда ажойиб натижалар билан барчани ҳайрон қолдираётган Ҳиндистон ўсмирлар терма жамоасига қарши баҳс олиб боришди. Ўзбекистонни мағлубиятга учратишни мақсад қилган ҳиндистонликлар ўз дарвозаларига голлар шодасини қабул қилиб олишди. Ҳиндларни 9:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Нуралиев шогирдлари гуруҳ пешқадамига айланишди.

**ЎЗБЕКИСТОН-ҲИНДИСТОН 9:0 (6:0)**

# Қатарга борадиган футболчилар аниқ

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-19) бош мураббийи Аҳмаджон Мусаев октябрь ойининг охирида бошланадиган Осиё чемпионатининг саралаш босқичи олдидан тайёргарлик олиб бориш мақсадида Қатарга йўл оладиган таркибни аниқлаб олди. Унинг рўйхатидан 17 нафар футболчи ўрин олди. Улар сафида Мексикада бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг бир қатор футболчилари ҳам жой олишган. Булар, Аббос Махситалиев, Сардор Раҳмонов, Жавлон Мирабдуллаев ва Ғанишер Холмуродовлардир.

Ёшларимиз 8 ва 10 октябрь кунлари Қатар ёшлар терма жамоасига қарши иккита ўртоқлик учрашувларини ўтказишади. Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси саралаш босқичида "С" гуруҳида Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Афғонистон ва Туркманистон терма жамоаларига қарши кураш олиб боришади.

**Мақсудали ҚАМБАРОВ** тайёрлади

# Янги шифохона

Қўштепа тумани аҳолиси мустақиллигимизнинг 20 йиллиги шодиёналари кунлари қурувчилардан байрам совғаси олишди. Бу ерда 426-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари бир вақтнинг ўзида 150 беморга тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган кўп тармоқли марказий поликлиника биносини қуриб, фойдаланишга топширишди. Янги поликлиникада малакали мутахассислар хизмат кўрсата бошладилар.

Янги саломатлик маркази учун 553 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Янги поликлиника хоналари ёруғ, шинам, замонавий тиббиёт жиҳозлари ва ускуналари билан жиҳозланган.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,**
Меҳнат фахрийси

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Ⓣ – tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-2854. 51 890 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi : O'.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi
231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.